

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XUSUSIYLAŞTIRILGAN KORXONALARGA KŪMAKLAŞIŞ VA RAQOBATNI RIVOJLANTI RIŞ DAVLAT KŪMITASINI TAŞKIL ETIŞ TŪGRISIDA

Хусусийлаштирилган давлат мулки негизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати ни сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва

рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил этилсин.

2. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлайдиган янги иш ўринла-

рини яратиш, ушбу мақсадларда ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмаларининг Савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан муштаҳам ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг гоят муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ХУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ETIŞ TŪGRISIDA

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғи хуқудидида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг музазам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуг аждодимиз тараннм этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ мейморий режа асосида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу хуқудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор,

ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буорадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Миллий боғи хуқудидида АдИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ETIŞ TŪGRISIDAги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ХУСУСИЙЛАŞTIRILGAN KORXONALAR BILAN IŞLAŞ SAMARADORLIGINI OŞIRIŞ CHORA-TADBIRLARI TŪGRISIDA

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши даврида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди. Натижада ҳозир нодавлат секторига яппи ички маҳсулотнинг 81 фоиздан кўпроги, саноат ишлаб чиқаришининг

94 фоизи ва барча банд аҳолининг 82 фоизидан зиёди тўғри келмоқда.

Аммо шу билан бирга танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор корхоналарни хусусийлаштириш кутилган натижаларни бермади.

Хусусан, республика минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишларининг бориши билан танишиш натижалари хусусийлаштирилган корхона-

ларнинг мулкдорлари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмаётгани ва корхоналарни узоқ муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослашган ишлаб чиқаришларни тикламаётганлиги ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг рақобатдорлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этмаётганлигини кўрсатмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAĖKAMASINING MAJLISI TŪGRISIDA AXBOROT

2017 йил 18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавакат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 январидида республика Ҳуқумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурининг устувор вазифалари ба-жарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлар ва хуқудларни янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурий чоралар ҳар томонлама ва муфассал кўриб чиқилди.

Қайд этиб ўтилдики, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тизимий амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муржоатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилиши, шунингдек, республиканинг барча хуқудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатиши "Инсон манфаати — ҳар нарсадан улуг" деган эзгу ғоянинг ҳаётга изчил ва самарали жорий этилишини таъминлади.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди.

(Давоми 4-бетда.)

Иқтидорли қизларнинг нуфузли мусобақалари



Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича икки нуфузли мусобақа — Жаҳон кубоги босқичи ва «Нарру Сагаван — 2017» халқаро турнири бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақаларда Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Грузия, Индонезия, Испания, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Словения, Таиланд, Финляндия, Швейцария, Эстония, Япония, Қозоғистон сингари дунёнинг 20 мамлакатидан юз эллиқдан ортиқ спортчи ўз Ватани шарафини ҳимоя қиладди. Жорий йилнинг 18-19 апрель кунлари «Нарру Сагаван — 2017» халқаро турнири, 21-23 апрель кунлари Жаҳон кубоги босқичи бўлиб ўтади.

(Давоми 16-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRILGAN KORXONALARGA KUMAKLASHISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT KUMITASINI TASHKIL ETISH TUGRISIDA

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари бўйича муттасил янгиланиб турувчи маълумотлар базасини ҳамда хусусийлаштирилган объектлар реестрини, шунингдек, давлат айтивлари реестрини шакллантириш;

хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда тахлил қилиб бориш, бунинг асосида фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш;

илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастлиги ҳамда ишлагайтувганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш ётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш;

янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олишда, коммуникацияларга улаишда ва тижорат банкларида кредитлар ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусийлаштирилган объектлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тadbirkorларга бизнес юриштиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асослари, тadbirkorлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касб-хунар коллежлари базасида ўқитиладиган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республикамизда ишлаётган катта муваффақиятларга эришган тadbirkorлар ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий ночор корхона-

ларни молиявий соғломлаштириш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва янги инвесторларни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

давлат айтивларини бошқариш, давлат улушига эга бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини мониторинг қилиш ва тахлил этиш, уларда корпоратив бошқаруving замонавий халқаро стандартлари ва методларини жорий этиш, шунингдек, давлат айтивларини хусусий мулкдорларга, шу жумладан, "ноль" харид қиймати бўйича сотишнинг очик-ойдинлиги ва шаффофлигини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, рақобатни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, баҳолаш, риэлторлик ва биржа фаолиятини лицензиялаш, реклама бозорини тартибга солиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, раҳбар ва мутахассислар, шу жумладан, идоравий тузилмалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг иш шакллари ва услубларини такомиллаштириш, зиммасига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси 2018 йилнинг 1 январига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда муттасил янгиланиб турувчи:

солиқ, статистика ва кадастр органларининг маълумотлар базаси билан ўзаро электрон алоқани таъминлайдиган тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари кесимида давлат мулкнинг хусусийлаштирилган объектлари бўйича маълумотлар базасини;

бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган хусусийлаштирилган объектлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва қурилиши тугалланмаган объектлардан хусусий тadbirkorликни ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадида уларнинг ҳудудий реестрларини;

хусусий бизнесни ташкил этиш учун тadbirkorларга тақлиф этилаётган бўш ётган давлат мулки объектларининг ҳудудий реестрларини яратсин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ва қарорлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳудудий органлари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳудудий органларининг раҳбарларини тайинлаш, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, таъқиқ иқтисодий фаолият миллий банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб ҳар бир туманда хусусийлаштирилган объектлар негизда лойиҳаларни амалга ошираётган тadbirkorлар учун касб-хунар коллежларининг биноларида ўқув машғулотларидан бўш вақтда ўқув курсларини ташкил этсинлар;

уч ой муддатда янги иш бошлаётган тadbirkorларга бизнес-режалар тайёрлашда, зарур ахборотни олишда ва тadbirkorлик фаолиятини юриштиш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал этишда уларга эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун бизнес-инкубаторлар ташкил этиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси икки ҳафта муддатда 2017-2018 йилларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастурини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузурида Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси негизда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилсин, уни шакллантириш манбалари сақлаб қолинган ҳолда, маблағларни хусусийлаштирилган корхоналарни амалий равишда қўллаб-қувватлашга, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда тadbirkorларнинг ўқишини ташкил қилишга йўналтириш унинг устувор вазифаси этиб белгилансин.

Куйидагилар хусусийлаштирилган корхоналарни Жамғарма маблағлари ҳисобда қўллаб-қувватлашнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

хўжалик жамиятларидаги давлат улуши бўйича республика бюджетига йўналтириладиган дивидендлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг республи-

ка ва маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши лозим бўлган тушумлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли Фармонида мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

9. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари кўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4483-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Ғолишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

2017-yil 19-aprel, № 31 (8992)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ХУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида боғнинг умумий кўриниши ва Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда АдИБЛАР ХИЁБОНИНИНГ яхлит меъморий ансамбль шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. АдИБЛАР ХИЁБОНИНИНГ меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриш назарда тутилсин.

4. Мазкур ҳудудда жойлашган Ўзбекистон мадани-

яти ва санъати кўрғазмаси биноси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфига ўтказилсин ва бу ерда доимий равишда китоблар кўрғазмалари ва тақдиротлари, турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган адабий марказ ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан намоёндалари:

Ўзбекистон Қахрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов;

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов;

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов;

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуа-

ларини барпо этиш бўйича бир ой муддатда иқидий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон ҳайкалини;

Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулум ҳайкалини;

Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хийёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкалини АдИБЛАР ХИЁБОНИГА қўчириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона бюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси АдИБЛАР ХИЁБОНИНИНГ яхлит меъморий ансамблини барпо этиш бўйича, Ўзбекистон Бадий академияси мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган адИБЛАРНИНГ ҳайкаллари яратилган бўйича бюртмачи этиб, шунингдек, «ТошкентбошланЛИТИ» ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳачи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасида ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари

юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган иқидий танлов натижалари асосида АдИБЛАР ХИЁБОНИНИНГ яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ХУСУСИЙ ЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур ҳолатлар Тошкент шаҳрида аввал хусусийлаштирилган «Реле ва автоматика», «Алгоритм» заводлари, Самарқанд шаҳридаги «Қизил двигател» ва Шифтсозлик заводлари, Ғиждувон ип йиғирув фабрикаси, Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги парранда фабрикаси, Термиз шаҳридаги «16-сонли ғишт заводи» ва бошқа кўплаб объектлар мисолида кўриниб турибди.

Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизда 2 мингдан ортқ паст рентабелли ва зарар қўраётган кам қувватли ҳўжалик субъекти, шу жумладан, мингдан ортқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган объект, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган.

Давлат органлари хусусийлаштирилган корхоналарнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий иқтисодий аҳолини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва сабабларини аниқлаш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлашда, муҳандислик-ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклашда, ички ва ташқи савдо бозорларини топшида амаллий қўмак бериш билан сўст шуғулланмоқда.

Ўзага келган ҳолат ваколатли органларнинг хусусийлаштирилган корхоналарга ёндашувлари, улар билан ишлаш принциплари ва усулларини тубдан ўзгартиришни, фаолият самарадорлигини оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўлаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини кенгайтиришни талаб этади.

Қабул қилинган «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да иқтисодий ётнинада ривож-

лантириш ва либераллаштиришдаги муҳим вазифа сифатида хусусий мулкнинг устувор ролин қўчириш ва хусусийлаштирилган объектлар негизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилган белгиланган.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишнинг локомитиви бўлиб қолишлари керак. Хусусийлаштирилган корхоналарни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш яқин йилларда республика минтақалари ва бутун мамлакатни ривожлантиришда кучли омил бўлиши darkor.

Буларнинг барчаси хусусийлаштирилган корхоналарни қўлаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни республика Ҳукумати ва ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг гўт муҳим вазифаларидан бири этиб қўйилмоқда.

Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан оширишни, хусусийлаштирилган корхоналар негизда амалга оширилаётган лойиҳаларни тизимли ва манзилли қўлаб-қувватлашни ташкил этиш, шунингдек, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ваколатли органлар фаолиятини зарур даражада мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Қўмисия оловага

мувофиқ таркибда тузилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини унга юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этиш;

хусусийлаштирилган корхоналарнинг реестрини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, улар фаолиятининг доимий мониторинги ва таҳлилни олиб бориш;

хусусийлаштирилган корхоналарни тиклаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, шунингдек, «йўл хариталари»ни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молия бошқаруви масалалари ва бошқа фанлар бўйича хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари ва ишлаб чиқариш-техник ходимлари учун доимий фаолият юридадиган ўқув курсларини ташкил этишга йўналтирилган Тадбиркорлик фаолияти асослари ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиалларини барпо этиш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкиллаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, қўмита кадрларини тизимли равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини ташкил этиш.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрель

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUG'RISIDA AXBOROT

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг, биринчи навбатда, давлат бошқаруви тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат хизматлари сифатини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини соддалаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада таъминлаш ва давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти фаоллаштиришнинг сезиларли даражада ўсишига ва жорий йилнинг биринчи чорагига кичик бизнеснинг 13,6 мингдан ортиқ ёки 2016 йилнинг худди шу давридагига қараганда 64 фоиз кўп янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига 4,6 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди, бу 2016 йилнинг биринчи чорагига қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9 та йиллик корхона, шунингдек, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Янгидан ташкил этилган «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқлар ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини сафарбар этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар экспортга маҳсулот етказиб беришнинг ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий салдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Рамамов, Ф.И.Ибрагимов, Р.С.Азимов, У.У.Розуқулов, Т.К.Нарбаевнинг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳамда жорий йилнинг январь-апрелида Қорақалпоғистон Республикасига, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига ташрифлари давомида берилган топшириқларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Рамамовнинг, Давархитектқурилиш кўмитаси раиси Б.И.Закировнинг, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти раиси Ф.И.Саломовнинг, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти раиси Б.К.Зариповнинг, Тошкент вилояти ҳокими Ш.Х.Бобоевнинг элтибори ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тасдиқланган ўртача муддатли дастурларини, шу жумладан, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда арзон уйлар қуришни жадаллаштиришни сўзсиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўришнинг зарурлигига қаратилди.

Давархитектқурилиш кўмитаси раиси Б.И.Закировга шаҳарсозликдаги эскирган нормативларни тубдан қайта кўриб чиқишни ва капитал қурилишдаги номуносибликларни бартараф этишни назарда тутган ҳолда кўмитанинг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркуми пакетини ишлаб чиқишни тугаллашни тезлаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакат Президентининг шу йил 12 апрелда пойтахтнинг Чилонзор туманига ташрифи давомида аниқланган меъморий қиёфани, йўл-транспорт тизимини ва уй-жой-коммунал инфратузилмани яхшилаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иши самарадорлигини ошириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, хорижий инвестициялар жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида йирик стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш объектларини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И.Ибрагимовнинг, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси раиси А.С.Султановнинг, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси раиси Э.Р.Шоисматовнинг ва «Ўзкимёсанот» акциядорлик жамияти раиси А.А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Муҳокамалар давомида мамлакат Президентининг Туркменистон, Қозоғистон ва Россия Федерациясига яқиндаги давлат ташрифлари давомида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар ва контрактларни ўз вақтида бажаришни таъминлашга доир қўшимча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимовнинг, молия вазири Б.А.Хўжаевнинг, иқтисодий вазири Г.К.Саидованинг, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари С.С.Ходжаевнинг, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ҳокимлари З.Ш.Рўзиев ва Х.Х.Бозоровнинг ҳисоботлари эшитилди. Улар олдига ҳудудий, молия-бюджет ва солиқ режаллаштирилиши такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш амалий чора-тадбирларини бажариш, туманлар ва шаҳарларнинг пасайтириш ва уларни субвенциядан чиқариш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни таъминлайдиган кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг

иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича биринчи ўринбосарларининг шахсий масъулияти алоҳида қайд этиб ўтилди. Уларнинг ишлари самарадорлиги аниқ мезонлари бўйича баҳоланади.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси А.К.Шараповнинг эътибори туризм соҳасини ривожлантиришнинг яхлит концепциясини изчил амалга ошириш, туризм ишлари самарадорлиги фаолияти учун қулай шароитларни шакллантиришга тўқинлик қилаётган барча тўсиқлар ва говларни олиб ташлаш, туризм хизматлари бозорига рақобатни ташкил этишга йўналтирилган дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва сафарбар қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розуқуловнинг, ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниевнинг, Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари У.Й.Ўзоқов ва У.И.Барноевнинг, шунингдек, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иш натижадорлиги батафсил таҳлил қилинди.

Маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришни таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар учун «Ўзбекизоқовқатҳолдинг» компанияси раиси О.Б.Рус-тамовга, «Ўзагротехсанотҳолдинг» компанияси раиси Н.С.Отажоновга, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Олтинқул (Қаримов), Булоқбоши (Эргашев), Хўжаобод (Исмаилов), Бухоро (Эсонов), Вобкент (Жаводов), Бахмал (Сафаров), Сарисоё (Жўраев), Сирдарё (Назаров) ва Кува (Раҳмонов) туманлари ҳокимларига шахсий баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розуқуловга, ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниевга, «Ўзбекизоқовқатҳолдинг» компанияси раиси О.Б.Рус-тамовга, «Ўзагротехспорт» компанияси раиси Ж.А.Хол-

мухамедовга, барча даражалардаги ҳокимликларга логистиканинг замонавий тизимини ривожлантиришни жадаллаштириш, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан, Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўтказилиши давомида тузилган шартномалар доирасида экспортга етказиб беришнинг кафолатланган ҳажмларини таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.К.Нарбаева, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ш.С.Жавлонов ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига оилаларда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида уларни ҳар хил ҳалокатли таҳдидлардан, ёт диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, хотин-қизларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасида оқилана машғул бўлишини таъминлаш мақсадида маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини ҳамда тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган мақсадли параметрларини муваффақиятли бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустақамланиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича мамлакат Президентининг жорий йил 11 апрелдаги қарори талаблари етиштиришга қаратилди.

Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш уяқларни бўйича 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан мавжуд захираларни сафарбар этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Академик
Анна Глушенкова**

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоллик учради.

Табиий бирикмалар кимёси ва технологияси соҳасидаги таникли олима, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Анна Ивановна Глушенкова 91 ёшида вафот этди.

А.Глушенкова 1926 йил 1 августда Россия Федерациясининг Волгоград вилоятидаги Рудна туманида туғилди. 1948 йили Ўрта Осиё индустриал институтини (hozirgi Тошкент давлат техника университети) тугатиб, ушбу институт аспирантурасида тахсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини химоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олима қарийб 70 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институтини (hozirgi Тошкент давлат техника университети) кафедра мудири, Фанлар академиясининг Усимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими, лаборатория мудири, директори, Фанлар академияси президиуми аъзоси каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва мамлакатимизда табиий бирикмалар кимёси ва технологияси соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматқаш олиманинг илмий ишланма ва тадқиқотлари республикамиз халқ ҳўжалиги, айниқса, пахтачилик саноатида кенг қўлланиб келмоқда.

**Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов,
А.Арипов, А.Юнусходжаев, Б.Йўлдошев**



Унинг пахта толеси ва чигитини қайта ишлаш, улاردан зарур истеъмол маҳсулотлари ҳамда дори воситалари тайёрлаш бўйича илмий ишланмалари иқтисодийтимиз тармоқлари ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Олиманинг табиий бирикмалар кимёси ва технологияси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 400 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевоқиф раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

А.Глушенкованинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвани ва "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олима, меҳрибон устоз, камтарин инсон Анна Глушенкованинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.



Тасвирий ва амалий санъат фестивали

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ташкил этилган мазкур фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда Биринчи Президентимиз асос солган миллий тасвирий санъатни янада раванқ топтириш, унинг бетакрор мактаб ва анъаналарини бойитиб бориш, ижодкор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, таълимнинг барча бўғинларини тубдан такомиллаштириш, ёш авлодга бўлган рағбат-ўрликни кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқчиллиги билан юрtdошларимиз эътиборини қозонди. Бу масалалар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадлар билан ҳамроҳанг.

Санъат ҳафталиги тadbирлари гоят қизиқарли ва ранг-баранг бўлиб, улларда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган ижодкорлар, мусавирлар, халқ амалий санъати усталари, дизайнер-

лар, ҳайкалтарoшларнинг ўзарo ижодий мулоқоти учун қулай шарoит яратилди. Айни пайтда фестиваль тadbирлари, турли кўрғазмалар, тақдирот маросимлари, ижодий танловлар давомида янгидан янги истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг ижод намуналари билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвонсарoйи, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музеи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида устоз-шогирд анъаналарининг бардавoмлиги, баҳор, бугунги тинч ва оsoйишта кунларимизни, халқимизнинг кайфияти, руҳияти, эзгу оруз-интилишларини акс эттирoвчи асарлардан иборат қизиқарли бадий кўрғазмалар бўлиб ўтади.

Нафис санъат марафони давомида Марказий кўрғазмалар зали атрофи ҳамда унга туташ хиёбонда ўқувчи-ёшлар Ватанимиз, мафтункор табият манзаралари, миллий анъана ва қадриятларимизни тасвирга қўчиради. Қўлолчилик, каш-

тадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа амалий санъат йўналишларида ижод қилади. Шу ернинг ўзида устоз мусавирлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари асосида билим ва тафаккурларини янада бойитади.



— Ушбу тadbир гоят кўтаринки руда ўтмоқда, — дейди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Нобуаки Ито. — Бу ерда тасвирий ва амалий санъатнинг кўлаб йўналишлари, Ўзбекистон ҳамда турли мамлакатларнинг маданияти ва санъати намойиш этилаётгани ижодий мулоқот учун муҳимдир. Халқларимиз тасвирий санъатидаги ҳамроҳанглик, ўхшашлик кўпроқ миниатюрада, ҳар бир детални гоят аниқ ва мўъжаз ифодалашда яққол намоён бўлади.

Фестиваль кунлари «Энг яхши ўқув муассасаси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши тасвирий санъат асари», «Энг яхши амалий санъат асари», «Энг яхши кўрғазма», «Энг яхши маҳорат дarsi» танловлари ҳам ўтказилади.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

**Натижа самара билан
белгиланади**

Ўқитувчи меҳнатининг маҳсули натижа билан белгиланади. Ҳар бир дарс ўқувчига янги маълумот берса ва фикрларини теранлаштирса кўзланган мақсадга эришилади. Шу сабаб илгор, ижодкор ва ташаббускор ўқитувчиларни аниқлаш, улар тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўтказиладиган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида педагоглар маҳорати ҳар томонлама синалади.



"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида биринчи тур — тест синовларида мутахассислик саволлариға

жавоб берган педагоглар, ёзма иш ёзиб, билимини намойиш этди. Сўнгги турда эса қуръа ташлаш йўли билан танланган мавзуда намунали дарслар нота-

ниш синф ва мавзуда ўтказилди.

— Ўқитувчи меҳнатининг маҳсулини кўрса, руҳи кўтарилди, ишга сидқиқидилдан ёндашади, — дейди танловнинг шаҳар босқичида физика фанидан ғолибликни қўлга киритган Сергели туманидаги 6-ИДУМ ўқитувчиси Моҳидил Йўлдошева. — Ҳар бир дарсни амалий ўтказишга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларим физик қонуниятни англаб, таҳлил этганини, билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этганини кўрсам янада кўпроқ изланаман. Шу сабаб "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида ўтган очиқ дарсимни ҳам амалий тарзда олиб бордим.

**Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат**

Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан "Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги республика форумида қабул қилинган тавсияларнинг жойлардаги ижросига бағишланган видеосеминар ўтказилди.

**Форум тавсиялари ижроси
жойларда қандай бажарилмоқда?**

Йиғилишни Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари мутасаддилари, методика марказлари раҳбарлари ҳамда худудий халқ таълими бошқаруви идоралари, ХТХҚТМОИ мутасаддилари, методистлар жойларда туриб тўғридан-тўғри кузатишди. Семинар аввалида "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 187-сонли қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шундан сўнг, Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиги ўринбосари Фаррух Курбоновнинг аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг устувор вазифалари мавзусидаги тақдироти тингланди. Вилоятда аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларининг илгор иш тажрибалари ҳамда ўқувчилар эришадиган ютуқлар айтиб ўтилди. "Математика", "Биология", "Физика", "География" фанларининг маҳор-

ратли ўқитувчилари ўз тажрибаларини видео кўринишда тақдим этишди.

— Бугунги семинарда "Математика фанидан ўқувчиларнинг ижодий иқтидорини ривожлантириш" мавзусида маъруза қилдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 141-мактаб ўқитувчиси Бибидона Мирзаева. — Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, математика фанини ўрганишни соддалаштириш, мавзуларни имкон қадар ўқувчига тушунарли тарзда етказиш мураккаб фанларни ўқитишни оsonлаштиради.

Семинарда аниқ ва табиий фанларни ўқитишда илгор педагогик технологиялар, мультимедиа воситалари, АКТдан фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Видеосеминарда соҳани янада ривожлантириш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» муҳбири**

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидида иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги бошланди. Ҳафталик доирасида "Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Тошкент давлат техника университети томонидан ташкил этилган тадбирда муҳандислик тизимлари ва физикаси, механика ва машинасозлик технологиялари, энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчан энергия манбалари, муҳандислик геологияси ва кончиллик иши, нефть ва газ, кимёвий технология ва саноат экологияси, иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, фундаментал фанлар йўналишлари бўйича маърузалар тингланди. Унда 400 дан зиёд иқтидорли ёш йигит-қиз олиб бораётган илмий изланишлари, техник лойиҳалари ва ишланмалари билан иштирок этди.

Мазкур ҳафталик доирасида "Энг яхши инновацион гоёя", "Энг яхши маъруза" номинациялари бўйича танлов ҳам ўтказилди. Унда университетнинг иқтидорли талабалари илмий-тадқиқот ишлари билан фаол қатнашди. Улар орасидан энг долзарб ва илмий жиҳатдан салмоқли, деб топилганлари X Инновацион гоёялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида қатнашиш учун тавсия қилинади.

❖ **Оҳангарон тумани марказий истироҳат боғида "Ватанимиз келажак учун масъулимиз!" шиори остида уюшмиган ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тумандаги тижорат банклари, давлат солиқ инспекцияси, "Ягона дарча" маркази вакиллари, партиянинг "Еш мулкдор — ўрта таянчи" ҳамда "Диплом билан бизнесга" лойиҳалари қатнашчилари, "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Тадбир доирасида ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳамда тижорат банклари фаолиятига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

— "Диплом билан бизнесга" лойиҳасида сутни қайта ишлаш бўйича бизнес режам билан иштирок этдим, — дейди Оҳангарон политтехника касб-ҳунар коллежи битирувчиси М.Хусанбоев. — Лойиҳам ҳақамлар ҳайъати томонидан маъқул топилиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун банкдан 30 миллион сўм миқдорда кредит ажратилганидан бўлди. Бундан жуда хурсандман.

❖ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Тошкент ислом университетидида меҳнат ярмаркаси ва "Карьера қунари" ташкил этилди.**

Унда 50 га яқин ташкилот ва муассаса вакиллари ўз фаолиятини ёритувчи буклетлар, тақвимлар, рекламалар, баннерлар, брошюралар билан иштирок этди.

— Таълим даргоҳимизда ёш авлоднинг ўзлари танлаган касб сирларини пухта эгаллаши ва етуқ мутахассис бўлиб улғайиши учун қўлай шароитлар яратилган, — дейди университет проректори И.Усмонов. — Ўқув аудиториялари, кутубхона ва ахборот-ресурс маркази зарур адабётлар, компьютерлар ҳамда бошқа жиҳозлар билан тўлик таъминланган. Истеъдодли ва изланувчан ёшлар муносиб қўллаб-қувватланмоқда.

Жорий ўқув йилида университетни ислом тарихи ва манба-шунослиги, диншунослик, дин социопсихологияси, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари, миллий гоёя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишларида 136 бакалавр, диншунослик, исломшунослик, дин психологияси, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик йўналишлари бўйича 25 магистр таъминлади.

Тадбирда талабалар турли ташкилотлар вакиллари билан суҳбатда бўлди, уларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Натихада иш бевуқилар ва битирувчилар ўртасида юзга яқин шартнома имзоланди.

❖ **Анджонда «Касб-ҳунар билан келажак сари» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Анджон вилояти ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган форумда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Мен тўрт томонлама шартнома асосида "Агробанк"нинг вилоят филиалида амалиёт ўтатман, — дейди Анджон банк коллежи битирувчиси Жавоҳир Мамасолиев. — Малакали мутахассислар кўмагида соҳа ишини пухта ўрганишга ҳаракат қиламан. Коллежни тамомлаб, шу ерда ишда қолмоқчиман.

Форум доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 44 қорхона ва ташкилот 185 буюш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қўллаб-қувватловчи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўланма олди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Танқид — келажак меваси

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида «Замонавий адабий танқидни ривожлантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабий танқид кенгаши аъзолари, таълим муассасаси ўқитувчилари, талабалар ҳамда ижодкорлар қатнашди.

Университет ректори Шўхрат Сирожиiddиновнинг кириш сўзи билан бошланган мулоқот қизгин баҳс-мунозаралар билан давом этди.

Тадбирда сўз олганлар ёш мунатқидларнинг суस्ताшлиги, омманнинг китобхонлик даражаси сусайиб, диди ўтмаслашиб боришида шу сабабнинг ҳам таъсири борлигини таъкидлаб ўтди.

— Адабий танқид ҳаммага ҳам хуш ёқадиган соҳа эмас. Мунатқидликнинг юки оғир, — дейди адабиётшунос олим Баҳодир Каримов. — Танқидчи бўлиш учун аввало одамнинг ўзида эстетик дид шаклланган бўлиши зарур. Мунатқид ҳар доим рост сўзламоғи, ҳолис бўлмоғи шарт. Айни соҳага билимсиз, назарияни чуқур билмасдан кириб бўлмайди. Танқидчи — тавсиячидир, тарбиячидир. У халққа қайси асарни ўқиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб туради. Унинг дидини тарбиялайди. Мунатқиднинг саъй-ҳаракати билан енгил-елли қораламаларнинг салбий таъсири камайиб, яхши асарлар юзга чиқади.

Шунингдек, суҳбат давомида университетда адабий жараёни баҳолаш лабораторияси иш бошлаши ҳақида ахборот берилди. У «Замонавий адабий танқидни ривожлантириш»нинг уч йиллик ҳаракат дастури доирасида фаолият олиб боради.

Тадбир сўнггида келгуси машғул вaqти ва унда муҳокама этилажак асар номи маълум қилинди. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, ҳаракатдаги дастур фаолиятига жорий этилиши режалаштирилди.

Фарида САИДОВА,
университетнинг 4-босқич талабаси

«Ҳуқуқ билимдонлари»

Кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди

Учкудук туманидаги 7-мактабда умумтаълим мактабларининг 8–9-синф ўқувчилари ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари» Республика кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, фаол фуқаролик позицияси ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш, бу орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган танловда туман мактабларининг 8–9-синф ўқувчиларидан тузилган гуруҳлар иштирок этди. Жамоалар 3 та шарт асосида баҳоланди.

1-шартда "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Тарих" ҳамда "Она фуқаролик позицияси ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш, бу орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган танловда туман мактабларининг 8–9-синф ўқувчиларидан тузилган гуруҳлар иштирок этди. Жамоалар 3 та шарт асосида баҳоланди.

шарти "Саҳна кўриниши" бўлди. Унда жамоалар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, уларнинг ёшлар келажакига ва ҳаётга салбий таъсири, олдини олиш чоралари бўйича саҳна кўринишини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, 1-ўрин 20-мактаб, 2-ўрин 7-мактаб, 3-ўрин эса 18-мактаб ўқувчилари жамоасига насиб этди.

Зебо РАҲИМОВА,
Учкудук тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шўъба мутахассиси

«Қиз боланинг касби — унинг бахти»

Термиз шаҳридаги 11-умумтаълим мактабидида «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда шаҳарнинг "Фарҳод", "Жайхун", "Авлоний" маҳаллаларининг маслаҳатчилари, ўқитувчи ва ота-оналар иштирок этди. Мактабнинг 9-"В" синф ўқувчи қизлари синф раҳбари М.Умарова ва мактаб психологи З.Менгнорова билан биргаликда тайёрлаган "Касблар оламига саёҳат", "Мен танлаган касб", "Ким ҳақ?" каби саҳна кўринишларини намойиш этиб, ёд олган шеърларини айтиб беришди.

— Тадбир қизиқарли ўтди, — дейди "Фарҳод" МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси З.Юнусова. — Ўқувчи қизларнинг касбга меҳри, актёрлик борасидаги муҳорати, шеърларни ифодали ўқишини кўриб қувондик. Уларнинг берган ҳаётий саволлари зукко ва ўз тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Тадбирда ўзбек, рус ва инглиз тилида касблар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар янгради. Кеча сўнггида таширф буюрган ота-оналар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дилбар НОРМУРОВА,
шу мактаб ўқитувчиси

Фестивалда фаол ёшлар аниқланди

Қашқадарёда "Баркамол авлод" болалар ижодиёт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда "Баркамол авлод" болалар марказлари тарбияланувчилари ўз иқтидор ва қобилиятини намойиш этди.

Ўқувчилар тасвирий санъат, либослар дизайни, мунчоқли безак, тўқиш, дўппидўзлик, гилдамдўзлик, кулолчилик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш ва ёғоч ўймакорлиги йўналишида ўзаро беллашдилар.

— Бундай ижодий беллашувлар нафақат билим ва салоҳи-

ятимизни ошириш, балки дўст орттириш, фикр алмашиш имконини ҳам беради, — дейди фестивалнинг тасвирий санъат йўналиши болиби, Касби туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Моҳичеҳра Яҳёева. — Тенгдошларим чизган суратларни кузатиб, кўп нарса ўргандим,

тажрибам бойиди. Кўрган-билганларим фестивалнинг республика босқичида асқотиши шубҳасиз.

Ҳақамлар ҳайъати аъзолари томонидан голиб деб топилган иштирокчилар "Камолот" ЕИХ ҳамда вилоят "Баркамол авлод" болалар марказининг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ўқувчилар ёт гоғлардан химояланиши шарт

Пойтахтимиздаги 144-мактабда "Ёшлар гийҳандлик, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризмга қарши" мавзусидаги профилактик тадбир ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

Анжуманга таширф буюрган Маънавият тарғибот маркази Яққасарой тумани бўлими раҳбари Ф.Турсунов ва бошқалар инсон онги ва қалбини мафқуравий таҳдидлардан асрашда китобхонликнинг аҳамияти борасида тўхтади. Туман прокуратураси, ИИБ вакиллари ёшларнинг тўғри йўлдан оғишмай ўқиб, мақсад сари одимлашида маҳалла-оила-мактаб ҳамкорлигининг

аҳамиятини аниқ мисоллар орқали тушунтириб беришди.

— Ҳозирги глобаллашув шароитида ўқувчиларнинг мафқуравий иммунитетини шакллантириш энг долзарб масала саналади, — деди мактаб директори Нилуфар Хусанбоева. — Ёшларимизни хар қандай ёт гоғлар таъсиридан химоя қилиш учун барча имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Бу борада ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича тўпланган тажрибаларимиз кўп келмоқда.

Насиба ЭРҲОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 19-aprel, № 31 (8992)

Бундан қарийб 20 йил олдин, яъни 1998 йил 13 майда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" ҳамда "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорларига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бугунги тараққиёт ва эртанги кунимизга бўлган талабчанлик олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Айниқса, ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бериш масаласи ниҳоятда долзарбдир. "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор тизимда муҳим ўзгариш ва янгиланишларга асос бўлади. Ушбу қарор асосида умумтаълим мактаблари фаолиятига татбиқ этилаётган янгиликлар, бунинг ўқув самардорлигини таъминлашдаги ўрни хусусида Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Сайдахор Сейткамоловни суҳбатга чорладик.

Умумтаълим тизимида муҳим ўзгаришлар киритилмоқда

— Мазкур қарор умумий ўрта таълим тизимида амалда мавжуд бўлган, лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асосланмаган айрим ихтимой муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши, мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларни белгиланган меъёрларга амал қилган ҳолда синфларга жойлаштириш, ўқувчиларнинг сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминлаш ва бошқа кўплаб масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Қарор асосида тасдиқланган низомда умумтаълим муассасалари филиаллари, кам комплектли синфлар, кунги узайтирилган гуруҳлар, логопедия шохобчаларини ташкил этиш ва фаолиятини белгилаш, ўқувчиларни синфдан синфга, мактабдан мактабга ўтказиш, ҳужжат юритиш, мактабларни ташкил этиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳамда пулли хизматлар кўрсатиш тартиблари аниқ белгиланди. Яъни, у умумий ўрта таълимга қўйлаётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

— Мазкур низом умумтаълим муассасалари фаолиятида қандай муҳим ташкилий ўзгаришларни назарда тутди?

— Янги тахрирдаги низомга 20 га яқин янги меъёр киритилди, амалдаги кўплаб меъёрлар мазмундан тўлдирилди. Ҳужжатда қайд этилганидек, бу низом "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш ва умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди. Мазкур низом талаблари барча умумтаълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади". Боиси, бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимидан ташқари бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфида ҳам умумтаълим ва нодавлат таълим муассасала-

ри фаолият кўрсатмоқда. Низом бу муассасалардаги ўқув-тарбия жараёнини ҳам тартибга солади.

Болани ўқишга қабул қилишда, синфдан синфга ёки мактабдан мактабга ўтказишда ўқувчининг таълим тилини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан янги банд киритилди. Бунга кўра, умумтаълим муассасасида таълим олиш тилини танлаш Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Таълим-тарбияга қўйлаётган замонавий талабларга мувофиқ умумий ўрта таълимнинг мақсад ва вазифалари қуйидаги янги йўналишлар билан бойитилди: **таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий ва инновацион педагогик услубларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш; ўқувчиларнинг индивидуал ижобий хусусиятларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг юксак даражада таълим-тарбия олишлари, ижодий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш бериш; меҳнат қилиш ва мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаларини онгли равишда танлаш ва касбий таълим дастурларини ўзлаштиришда қўмаклашиш ва ҳоказо.**

Аввалги низомда умумий ўрта таълим бошланғич таълим (I–IV синфлар) ҳамда умумий ўрта таълим (I–IX синфлар) босқичларидан иборатлиги қисқа қайд этилган бўлиб, бу борада қатор чалқашликлар келиб чиқаётган эди. Янги тахрирдаги низом бу ва умумтаълим муассасаларининг турларини белгилашдаги чигалликларга чек қўяди. Яъни, "Умумий ўрта таълим бошланғич таъ-

лим (I–IV синфлар) ҳамда умумий ўрта таълим (I–IX синфлар) босқичларидан иборат бўлиб, кундузги таълим шаклида амалга оширилади". Умумтаълим муассасалари бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I–IV синфлар); умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 9 йил: I–IX синфлар); айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 9 йил: I–IX синфлар); айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: V–IX синфлар); футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддат 5 йил: V–IX синфлар);

синфлари тўлиқлиги 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Намунавий лойиҳалар бўйича қурилмаган, мослаштирилган биноларда жойлашган, ўқувчилар сони етарли бўлмаган умумтаълим муассасаларида, олис (тоғли ва чўл худуди) аҳоли пунктларида жойлашган, таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони синфларни тўлдиришнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб, худудий халқ таълими бошқаруви органлари ва туман(шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлиmlари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Jarayon

— ўқувчилар сони 24 нафаргача бўлган иккита бошланғич синф (I ва III, II ва IV синфлар).

Ўқув дастурларининг хусусиятлари ва умумтаълим муассасасининг жойлашган худудини инобатга олган ҳолда синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб ўқитиш яхши натижа беради. Шу боис, синф ўқувчиларини бўлиб ўқитиш бўйича ҳам нормалар белгиланди. Жумладан, малакали ўқитувчилар етарли бўлган ҳолларда ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган I–IX синфларда чет тили, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар, V–IX синфларда информатика ва меҳнат таълими, VIII–IX синфларда жисмоний тарбия фани, таълим бошқа тилда олиб бориладиган муассасаларнинг II–IX



Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги умумтаълим муассасаларида 1 400 дан ортик кам комплектли синфлар мавжуд бўлиб, уларда 18 000 га яқин ўқувчи таҳсил олмақда. Ўқувчилар сони оз бўлган бир неча синфларнинг бирлаштирилиши натижасида умумтаълим муассасаси ўқув режасидаги ўқув соатлари камайиб, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келади. Бир неча бошланғич синфларни бирлаштириш умумтаълим муассасасининг биноларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади. Уч ёки тўрт нафар бошланғич синф ўқувчисининг алоҳида ўқитилиши ўз-ўзидан уларга нисбатан талабнинг кучайишига олиб келади. Ўқувчининг жуда кўп миқдордаги ахборотни қабул қилиши руҳий зўриқишига, натижада ўқув фанларидан беэи қилиши ва мактабга нисбатан меҳри сусайишига сабаб бўлади. Шу боис, синфларни бирлаштириш бўйича ҳам зарур талаблар келтирилди. Кам комплектли умумтаълим муассасаларида (филиалларда) бошланғич синф ўқувчилари қуйидаги ҳолларда битта синфга бирлаштирилиши мумкин:

— ўқувчилар сони 8 нафаргача бўлган I–IV синфлар;

— ўқувчилар сони 12 нафаргача бўлган учта бошланғич синф;

синфларида ўзбек тили ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган муассасаларнинг II–IX синфларда рус тили фани дарсларини икки гуруҳга бўлиб ўтишга рухсат этилади.

Ўқувчиларнинг чуқур билим эгаллашга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида кунги узайтирилган гуруҳлар ташкил этилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, мазкур гуруҳлардаги таълим жараёни умумий ўрта таълимдан ташқари вақтда ташкил этилиб, ота-оналарнинг бадал тўловлари эвазига амалга оширилади. Фаолият кўрсатиш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бундан ташқари, низомда умумтаълим муассасаларида ўқув йили ва таътилари муддатлари, V–IX синф ўқувчилари ўртасида босқичли назоратлар ўтказиш тартиблари, мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш тартиби, умуман, умумий ўрта таълим фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ барча жиҳатлар такомиллаштирилди.

"Ma'rifat" мухбири
Илхом Жўраев
суҳбатлашди.

Ajdodlarni xotirlash – muqaddas qadriyat

(Ta'lim muassasalarida 9-may – Xotira va qadrlash kunini o'tkazish yuzasidan tavsifiya)

O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning "El-yurt va davlat uchun, uning taqdiri va kelajagi uchun qayg'uradigan, odamlarning ezgu niyatlarini o'ziga oliy maqsad qilib qo'ygan, elim deb, yurtim deb yonib yashaydigan, har qanday vaziyatda ham xalqni birlashtirib, turli bala-qazolardan asrash uchun safarbar eta oladigan shaxslariga tarixda o'chmas nom qoldiradi", degan so'zlari "xotira" va "qadr" tushunchalari ahamiyatini yanada oshiradi.

Darhaqiqat, Islom Karimovning yorqin xotirasini xalqimiz, farzandlarimiz hamisha hurmat-ehtiro bilan yodga oladi. U kishi o'zining serqirra siyosiy faoliyati, olijanob insoniy fazilatlari bilan Vatanimizning ko'p asrlik tarixida o'chmas va yorqin iz qoldirgani, nafaqat O'zbekiston, balki dunyo miqyosida katta hurmat va obro'-e'tiborga sazovor bo'lgani barchamizga faxr-iftixor bag'ishlaydi.

Darhaqiqat, xalqimiz azaldan o'z ajdodlarini munosib xotirlab, keksalar holidan xabar olib, e'zozlab keladi. Ayniqsa, mustaqilligimizning dastlabki yillaridanoq bu an'ana yangicha mazmun kasb etdi. 1999-yil 2-martda Prezidentimiz farmoniga asosan, Ikkinchi jahon urushida fashizmga qarshi kurashib halok bo'lganlar, mamlakatimiz ozodligi va mustaqilligi uchun jon bergan o'g'lonlar xotirasiga hurmat bajo keltirish, yoshi ulug' insonlarni e'zozlash maqsadida "9-may – Xotira va qadrlash kuni" deb e'lon qilinib, bu sana umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanmoqda. Umumta'lim muassasalarida may oyining birinchi o'n kunligida o'tiladigan "Tarbiyaviy soat", tarix va milliy g'oya turkumiga kiruvchi fan mashg'ulotlarini "Vatanparvarlik va jasorat darslari" deb nomlash, tadbirlarda quyidagi senariydagi foydalanish tavsifiya qilinadi.

Tadbir o'tkaziladigan zal yoki sinfxona Xotira va qadrlash kuniga mos jihozlanib, bayramona bezatiladi. Bir tomondan ikkinchi jahon urushiga oid hujjatli, ilmiy va badiiy toblar, front ortida olib borilgan mashaqqatli mehnat fotolavhalari va Xotira maydoni me'moriy majmuasini aks ettiruvchi fotosuratlar, ikkinchi tomondan esa «Qahramonlik, burch va fidoyilik», "Ajdodlarni xotirlash – muqaddas qadriyat" shiirlari ostida yozilgan insho, referat, devoriy gazetalar joy oladi.

Tadbirda urush va mehnat faxriylari, mahalla faollari, harbiy xizmatchi, ota-onalar va boshqa mehmonlar taklif etiladi.

O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi tantanali ravishda, musiqa jo'rligida ijro etiladi.

Zal (sinfxona) bo'yab mahzun musiqa sadosi taraladi. Katta ekran orqali ona farzandini, ayol umr

yo'ldoshini, aka-ukasini urushga jo'natayotgan ta'sirchan manzara. Hujjatli filmda jang maydoni, urushda jasorat ko'rsatayotgan mard o'g'lonlar tasvirlanadi! Kechagi tarix o'quvchilar ko'z o'ngida gavdalanadi. Sahnaga boshlovchilar chiqishadi.

1-o'quvchi: — Ona-yurt bag'ridan juda ham yiroq,

O'zga manzillarda

topshirdingiz jon.

Hanuz ko'ksimizni tirnaydi firoq,

Garchi siz muzaffar,

g'olib, qahramon.

2-o'quvchi: — Manguga

tinmishdir qalb tug'yonlari,

Endi xotirangiz yo'ldoshdir bizga.

Xalqimning fidoyi, mard o'g'lonlari,

O'lohnning rahmati yog'olsin sizga.

(Abdulla Oripov)

1-o'quvchi: — Assalomu alaykum, hurmatli mehmonlar, ustozlar va ota-onalar!

2-o'quvchi: — Barchangizni Xotira va qadrlash kuni bayrami bilan chin yurakdan tabriklaymiz!

Tabrikdan so'ng poytaxtimizdagi Xotira maydonini aks ettiruvchi kinolavha proyektor orqali namoyish etiladi.

1-o'quvchi: — Birinchi Prezidentimiz tashabbusi bilan 1999-yil Toshkentda Xotira maydoni barpo etildi. Maydonda «Motamsaro ona» haykali va xiyobonning shimoliy hamda janubiy tomonida qad ko'targan ayvon tokchalarida Ikkinchi jahon urushida halok bo'lgan yoki bedarak yo'qolgan barcha yurtdoshlarimizning nomlari zarhal harflar bilan bitilgan metall sahifalar o'rnatilgan. Har yili 9-may kuni Xotira maydonida keng jamoatchilik ishtirokida halok bo'lganlarning porloq xotirasiga ehtirom ko'rsatish marosimi bo'lib o'tadi.

2-o'quvchi: — O'zbekistonning barcha viloyatlari, tuman va shaharlari markazida ham xotira maydonlari, poytaxtimizdagi Bo'zsuv kanali bo'yida esa «Shahidlar xotirasi» yodgorlik majmui bunyod etildi. Bu maskanlar ziyoratgoh joy bo'lib qoldi. Bularning barchasi mamlakatimizda inson xotirasi muqaddas, uning qadr-qimmati aziz va mo'tabar ekanidan dalolat beradi.

o'qituvchi: — Jahonni fashizm bosqinchilaridan ozod qilishda mardonavor qatnashgan, bugungi tinch va farovon hayotimizni

ta'minlashga o'zining katta hissasini qo'shgan ajdodlarimiz jasorati va o'chmas xotirasi oldida hamisha bosh egib, ta'zim qilamiz. Bugungi tadbirimizga faxriy mehmonlardan bir guruhi taklif etilgan. (Ular birma-bir yig'ilganlarga tanishtirib chiqiladi).

Dastlabki so'z harbiy xizmatchiga beriladi.

Harbiy xizmatchi: — Avvalambor, barchangizni "Xotira va qadrlash kuni" bilan tabriklayman! Ikkinchi jahon urushining mudhish xotiralari hali-hanuz insoniyat xotirasidan o'chgan emas. U olti yil davom etdi. Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, unda 61 ta davlat qatnashdi. Mash'um urush 40 ta davlat hududida o'z asoratlarini qoldirgan. Jang-u jadallarda 110 million kishi Vatan ozodligi uchun jasorat ko'rsatgan, taxminan 60 millionga yaqin kishi halok bo'ldi. Yana qanchasi bedarak ketdi. 35 million kishi og'ir yarador va nogiron bo'ldi.

Ular orasida 1,5 milliondan ortiq o'zbekistonlik fashizmga qarshi olovli janglarda qatnashdi. Taxminan 500 ming vatandoshimiz jang maydonlarida halok bo'lib, qanchasi bedarak ketdi va minglab kishilar mayib-majruh bo'lib qaytdi. Bu haqiqatni hech kim, hech qachon unutmasligi kerak.

Mustaqillik yillarida «bedarak yo'qolgan» minglab marhum yurtdoshlarimiz taqdiri aniqlandi. Birinchi Prezidentimiz farmoni asosida 1995-yili 33 jildli «Xotira» kitobi (keyinchalik bunga qo'shimcha tarzda 2 ta jild chiqdi) va O'zbekiston xalqining front ichkarisi va ortidagi jasoratlari bayon qilingan umumlashma maxsus jild (o'zbekcha, ruscha) nashr etildi. Bu urush davrida, front ortida tunni tongga ulab, g'alaba bo'lishini umid bilan kutgan vatandoshlarimiz matonatiga bag'ishlangan ulkan yodnoma bo'ldi.

Ona Vatanni himoya qilish, uning tinchligini saqlashga o'z hissasini qo'shish O'zbekiston Respublikasi har bir fuqarosining sharafli burchidir. Men harbiy xizmatchi sifatida yurtimiz tinchligi uchun o'z hissamni qo'shayotganimdan faxrlanam. Qurolli Kuchlarimiz bundan-da mustahkam, chegaramiz daxlsiz, yurtimiz tinch va yanada obod bo'lsin!

Harbiy xizmatchiga guldasta taqdim qilinadi.

Ne'mat Orif she'ri, Asliddin Do'stov musiqasi asosida yaratilgan «Yurt o'g'loni» qo'shig'i ijro etiladi.

1-o'quvchi: — Bu davrda ko'plab o'zbekistonlik shoir va adiblar urush mavzusiga bag'ishlangan asarlar

yaratishdi. Hassos adib G'afur G'ulom Ikkinchi jahon urushida o'tanasiz qolgan go'daklarga bag'ishlab «Sen yetim emassan» (1941-y.) she'rini yozdi.

2-o'quvchi: — Keyinchalik atoqli yozuvchi Rahmat Fayziy «Sen yetim emassan» kinoqissasini (1960-y.) yaratdi. Shu asosda kinorejissor Shuhrat Abbosov tomonidan «Sen yetim emassan» badiiy filmi suratga olindi. Uni tomosha qilganda, har bir insonning ko'ziga yosh keladi.

Proyektor orqali «Sen yetim emassan» badiiy filmidan parcha namoyish etiladi.

Yozuvchi Rahmat Fayziy kinoqissa ustidagi ijodiy ishini davom ettirib, «Hazrati inson» (1970-y.) romanini yaratdi. Kinoqissa, badiiy film va romanning yaratilishiga o'zbek xalqining urush yillaridagi hayoti bosh mavzu qilib olingan.

1-o'quvchi: — Xalqimizning eng olijanob fazilatlardan biri kattaga hurmatda, kichikka izzatda bo'lishdir. Ushbu o'lmas qadriyatlar o'zbek mahallalarida saqlanib qolgan (hurmat-ehtiro bilan tabrik navbati mahalla faoliga beriladi).

Mahalla faxriysi: — O'tganlarni xotirlash, eslash, qabrlarini ziyorat va obod qilish, ularning ezgu ishlarini davom ettirish insoniy burchimizdir. Keksalarning o'g'itlariga amal qilish, bizni dunyoga keltirib, o'stirib-ulg'aytirgan ota-onalarimizga shirin muomalada bo'lish, hurmatini joyiga qo'yish, holidan xabar olish, har tomonlama yordam berish mahalla faollari zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi (Qisqacha o'z mahallasi hayoti bilan bog'liq ma'lumotlarni keltiradi).

O'qituvchi tadbirga yakun yasaydi: — Dunyodagi har bir insonga tinchlik, osoyishtalik zarur. Bobo-buvilarimiz fotihaga qo'l ochganlarida, Yaratgandan tinchlik va xotirjamlik, sog'liq va omollik so'rab duo qilishadi. Otalarimiz tilagi, onalarimiz allasi, go'daklarimiz shodligiyu kulgisida "tinchlik" degan ulug' ne'mat mujassam. Mustaqilligimizning eng oliy ne'matlaridan biri esa osoyishtalikdir. Mustaqil yurtimizda tinchlik abadiy bo'lsin!

Obod Vatanimiz musaffo osmonida tinchlik ramzi bo'lgan kabutar-u, sayroqi qushlar mudom erkin parvoz qilaversin! Butun jahonda tinchlik barqaror bo'lsin!

Barcha tadbir ishtirokchilari o'quvchi qiz ijro etgan Iqbol Mirzo she'ri, Anor Nazarov musiqasi asosida yaratilgan «Tinchlik bo'lsin dunyoda» qo'shig'iga jo'ra bo'ladi.

Respublika ta'lim markazi



Зукколик ва илфорлик беллашуви

Еш авлоднинг етук маънавий фазилатлар соҳиб бўлиб камолга етишида самимий меҳр ва эътибор беқеъи аҳамият касб этади. Богъамиз тарбияланувчилари санъат, спорт, касб-хунар ва фан тўғараклари машғулотларига жалб этилган. Уларга таълим-тарбия бераётган мураббийлар турли маънавий-маърифий тadbirlar ва интеллектуал беллашувларда ўз малакасини оширишади.

Яқинда Бектемир тумани ХТМФМТЭБ тасарруфидоги мактабга таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказилган танловда ҳам тарбиячилар ўзаро тажриба алмашишди. "Энг фаол тарбиячи" танловининг худудий bosqichida тумандаги 575-, 578-, 579-, 580-мактабга таълим муассасalaridan иزلанувчан педагоглар иштирок этди. — Тест savollariга javob излаш, муаммоли vaziyatdan осон чиқиш йўли, материаллардан қўл ишланмалари яратиш каби синновлардан ўтган тарбиячилар

ўртасида дўстона тажриба муҳити ҳам yaratildi. — дейди 578-МТМ mudirasi Мунира Умарова. — Бундай саъй-харажатлар эртамиз эгалари — навқирон ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол, эзгу фазилатли ва гўзал хулқи бўлиб вояга етишига дебочадир.

Танловнинг якуний natijalariga кўра, 575-МТМ тарбиячиси Дилфуза Тулаганова ўзининг илфорилиги ва зуқколиги билан голибликка эришди.

Шахто АҚМАЛОВА, 578-МТМ тарбиячиси Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2017-yil 19-aprel, № 31 (8992)

Мутолаа завқи бошқача: бунда кўнгил равшан тортади, яшаш тарзимизга мазмун киради, муносабатларимиз гўзаллашиб, руҳиятимиз юксалади. Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишини бу борада амалга оширилаётган сабъ-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Мазкур ҳужжат, шунинг баробарида, узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичида бажарилиши назарда тутилган айрим масалаларга ойдинлик киритишни тақозо этади.

Китобхонлик эҳтиёжга айлансин



Мутолаа — барча фанда зарур

Мактаб ўқув адабиётлари, дарсликлар ўқувчининг интеллектуал шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада педагоглар ўқув дастурларига таяниб иш тутаяди. Ўқувчини китобхонликка ўргатишда адабиёт фани ўқув режа ва дастурлари муҳим манбадир. Бошланғич синфдан то юқори синфгача ўқитиладиган бошқа фанлар ҳам китобхонлик маданиятини ўстиришда катта роль ўйнайди. География, тарих ёки физика бўладими, бола кўлига барибир китоб олади, уни varaқлайди, қизиқиш пайдо бўлади. Китобга гўёки алоқаси йўқдек туолувчи жисмоний тарбия фанини олиб кўрайлик. Жисмоний чинқиш куч ва бардошдан ташқари, шу соҳага оид китоблар, машҳур спортчилар ҳаёти, муваффақиятларига оид оммабоп рисоалар билан яқиндан танишиш, уларни таҳлил этиш, мустақил фикр юритиш ёш авлоднинг ўз мақсадларига эришишида муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз.

Республика таълим маркази ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларида компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган адабиёт фанидан Давлат таълим стандарти (ДТС) ва ўқув дастури яқинда тасдиқланди. Таълим тизимида компетентликка эришиш бугунги педагогиканинг долзарб вазифаларидан биридир. Нафақат адабиёт, балки бошқа фанлардан яратилган умумий ўрта таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларини ушбу йўналишдаги муваффақиятлардан бири, десак янглишмаймиз. Янгича ёндашувдаги ДТС асосида тузилган адабиёт фанидан ўқув дастурида қатор ижобий ўзгаришларни кузатамиз.

Мактаб ўқувчисида фан асосларини ДТС бўйича ўрганиш, ўзлаштириш юкмаси кучли. Бунинг ижобий томони бор, албатта. Бироқ фанни билиш талабига урғун керагидан ортиқ кучайтирмай, ўқув дастурини китобхонлик маданияти билан бойи-

тиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ёшлар учун мактабда эгалланган билимдан ташқари, мустақил фикр муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларимизнинг турли фанлардан халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларни кўлга киритаётгани кувонарли, албатта. Лекин таълим босқичида юқори кўрсаткич билан ўқиган айрим ўқувчилар, кейинчалик ўз меҳнат фаолиятида қийинчиликларга дуч келаётгани ҳам сир эмас. Бунга асосий сабаб — уларнинг умумий интеллекти етарли даражада шаклланмагандир.

Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган адабиётларни кузатсак, наинки ўқувчилар, ҳатто соҳа мутахассисларига ҳам номи яхши маълум бўлмаган шоиру ёзувчилар ижоди кўзга ташланади. Кўриниб турибдики, дастур муаллифлари шоир ва ёзувчиларнинг ўзбек адабиётида тутган ўрнига эмас, балки ўқувчи ёшига мос бадий матн излашга эътибор қаратишган. Бошланғич синфларда дарс соатлари сақланган ҳолда ўзбек болалар адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва болаларнинг сеvimли ижодкорига айланган адилбарнинг ижодини кенгроқ ўрганиш зарур. Афсуски, ҳозир болалар учун ижод қилувчи адилбар бармоқ билан санарли. Шу боис, дарслик муаллифлари бола ёшига мос насрий асарлар топшига қийналмоқда. Болалар ёзувчилари кўпроқ насрий характердаги эртақ, ибратли ҳикоя ва қиссалар ёзишга эътибор қаратса мақсадга мувофиқ, назаримизда.

Ўқув муассасаларида 3—4-синфдан бошлаб Навоий, Бобур, Чўлпон, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адиб ва шоирлар ижодини (ўқувчи ёши ва руҳий ҳолатига мос ҳолда) ўргатиш, юқори синфларда ҳам бу узвийликни давом эттириш учун қўшимча манбалар тавсия қилиш ўринли. Ўқувчи 60—70 нафар адибнинг юздан ортиқ асарини наридандан-бери ўргангандан кўра, элликтача ижод намунасини мукаммал билгани яхши ва бу, бизнингча, фойдалироқ. Бола улгайганида, ўзига керакли ва ёққан асарни топиб ўқийверади.

Қалбни равшанлан- тирувчи булоқ суви

Китобхонлик — шунчаки китобни севиш, ўрганиш ёхуд маънавий-маърифий озука олишгина эмас, балки ёшларни камолот чўққисига олиб чиқувчи муҳим омилдир. Ўқиш бошқа, ўқиш бошқа. Айримлар мутолаа қиладую, маъносини англамайди, ўқигани хотирасидан ўчиб кетаверади. Ак-

сарият ўқувчилар ўқиган китобнинг мазмунини айтиш билан чекланади, холос. Асар мазмуни, гоёвий аҳамияти ёки ёзувчи маъхоратига эътибор қаратишга уларнинг ўқувчи етмайди. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида боланинг китобхонлик савияси, даражаси имтиҳон қилинса, унинг натижалари баҳолаш тизимида инобатга олинса, ёмон бўлмасди. Айниқса, олий ўқув юртига абитуриентларни қабул қилишда уларнинг китобхонлик савиясини синовдан ўтказиш айна мудоаодир.

Мутолаани кечиктириш, пайсалга солиш мумкин эмас. Техника тараққиёти асрида яшайпмиз, аммо ўқиб-ўрганишда китобнинг ўрнини ҳеч нима босолмайди. Ўқиш, ёзиш, узатиш, қабул қилишда барибир китобга эҳтиёж сезмай илож йўқ. Ёшларнинг техника воситаларини мукаммал билиши ва фойдалана олиши — катта ютуқ. Уларни техник имкониятлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш билан бирга турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали, баркамол шахс қилиб тарбиялаш учун китобнинг, бадий асарнинг аҳамиятини англашти — барчанинг бурчидир. Зеро, Чўлпон айтганидек, "...адабиёт — юрак кирларини ювадурган, хиралашган кўнглимизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқ тўлган кўзларимизни артув тазалайдурган булоқ сувидир".

Китобхонликни оширадиган усуллар

Хўш, болани мутолаага қачондан ўргатиш керак? Бу тадбир қанча эрта бошланса, шунча яхши. Болани мутолаага боғча ёшидан, ҳатто чақалоқлигидан қизиқтириш мумкин. Аравачада ётган гўдакка алла, эртақ, шеърни оҳиста, образли айтилса, гарчи у тушунмас-да, эшитида, майин оҳангни илғайди. Аммо бу жараён тўхтаб қолмаслиги керак. Ота-она эртақ айтишга ҳафсала қилса, бўлгани. Бисотидаги эртақлар тугаса, Чингиз Айтматов айтганидек, қўшиндан қарзга олиб бўлса-да, айтиши лозим. Эртақ қахрамонлари номи ўрнига боланинг исми қўшиб айтилса, бу кичкинтойга хуш

Mutaxassis minbari

ёқади. Болада китобга муносабат шу тариқа шаклланади.

Болани китобхонликка қизиқтиришда қуйидаги омилларга таяниш мумкин.

Аввало, дарс жадвалини тузишда мутаносибликка риоя қилиш керак. Масалан, математика дарсидан кейин, физика ёки кимё эмас, балки жисмоний тарбия ёки адабиёт дарси бўлгани дуруст. Жисмоний тарбия дарсидан кейин эса лаборатория машғулотини ёки ҳаракатга йўналтирилган бошқа дарслар қўйилмагани маъқул. Бунга сабаб: машғулотдан кейин болада толиқиш бўлади. Бу эса боланинг китоб ўқишга қизиқиши ва интилишини "бўғиб" қўйиши мумкин.

Уйга вазифа беришда ахлоқий-таълимий, маърифий мазмундаги қўшимча бадий асарлар мутолааси тайинланса ёки рўйхати тақдим этилса, ўқувчидан китоб ҳақида ўз фикрини баён этиш кейинги дарсларда сўралгани маъқул. Ўқувчи ўқувчилар фикрини йиғиб боради ва ҳар чоракда таҳлил қиладу. Таҳлил ўқувчи баҳосига ҳам таъсир кўрсатиши лозим. Шунда ўқувчида мутолаага масъулият ҳисси шаклланади. Энг юқори натижа кўрсатган ўғил-қизларни рағбатлантиришни унутмаслик зарур.

Синфлар ўртасида китоб мутолаасига бағишланган бешлашувларни янада кўпайтириш керак. Мактаб раҳбарияти ташаббус кўрсатса, синф раҳбарлари, ўқувчилар ўзаро рақобат муҳитига мослашади.

5—9-синф ўқувчилари ўртасида имконият даражасида эскирган, ўз ўқувчисини топа олмаётган адабиётларни йиғиш ва китоблар музейини ташкил этиш китобхонликни тарғиб қилишда ижобий натижа беради.

Китобга қизиқишни интеллектуал модул уйғунлигида шакллантириш тарафдоримиз. Масалан, бола Маугли ҳақидаги мультфильм ёки бадий фильм кўрганини завқланиб гапириб беради. Боланинг таассуротлари бир дунё. Сиз унга Маугли ҳақидаги бадий асарни синчлаб ўқиб чиқиш топширигини беринг. Фикри янада бойишини истаган бола бу топшириқни бажонидан удралайди, асар муаллифи Киплинг ҳаёти ва ижоди билан танишиб олади. Таассуротларини ўртоқлари билан баҳам кўргиси келади.

Юқори синфларда "Ўткан кунлар", "Шум бола" каби ўзимизнинг бадий фильмлар мисолида ҳам шу тажрибани қўллаш ўринли. Ўқувчининг китобга ихлоси ортиб бораётганига шохид бўлаемиз. Шу тариқа китобни севиш, унга меҳр қўйиш, бора-бора мутолаага бўлган хоҳиш-истакнинг эҳтиёжга айланиб бораётганини ўқувчининг ўзи ҳам сезмай қолади. Китобхонликнинг эҳтиёжга айланиши эса бир шахс учун эмас, бутун жамят учун хайрлидир.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бош илмий ходими,
филология фанлари доктори,
академик
Комила УСМОНОВА,
Республика таълим маркази бош методисти

Keyingi paytlarda Er sayёрасида глобал исси рўй бераётгани, иқлим ўзгаришлари ва у билан боғлиқ ҳоисалар йилдан-йилга кўпайиб, ҳосилиб бораётгани, унинг натижасида айрим салбий ҳолатлар содир бўлаётгани тўғрисида дунё оммавий ахборот воситаларидаги турли чиқишларни кузатаймиз. Етук олимлар иштирокида мазкур долзарб муаммога ечим излаб, турли илмий тадқиқотлар, анжуманлар ўтказилаётганидан ҳам хабаримиз бор. Ана шу илмий йиғилишлардан бирида муҳокама этилган масалалар ва рақамлар эътиборимизни тортди.


Бундан икки йил олдин 30 ноябрдан 11 декабрга қадар Франция пойтахти Париж шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг глобал иқлим ўзгаришларига бағишланган 21-конференцияси бўлиб ўтди. Нуфузли семинарда дунёнинг 150 га яқин давлатидан ҳукумат раҳбарлари, олимлар ва тадқиқотчилар иштирок этди.

Конференцияда бугун инсон ва табиат ҳаётига кескин хавф солаётган, келажак барқарорлигини сўроқ остида қолдираётган глобал муаммолардан бири — ҳаво ҳароратининг тобора иссиб бораётгани, фаслларнинг ўрни алмашиб кетаётгани сабаблари ўрганилди, уларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ва истиқболдаги ишлар муҳокама этилди.

Айтиш керакки, кейинги йилларда бундай тадбирлар шунчаки вақт ўтказиш ёки «хўжақўрсин» учун эмас, балки чиндан ҳам муаммони бар тараф этишга доир механизмлар, аниқ тақлифлар асосида ўтказилаёпти. Хусусан, тадбир бошлангунга қадар ҳар бир иштирокчи давлат олимлари муаммони самарали ечиш борасида мамлақати қўшадиган ҳисса тўғрисида ҳисобот кiritиб, тақлифларини ҳавола этди.

Келинг, аввал бир саволга жавоб излаб кўрайлик: глобал иқлим иссишига нима сабаб бўлмоқда? У шунчалик хавфлими? Унинг оқибати нималарда намойён бўлади?

Бугун олимлар ва тадқиқотчилар сайёрамиз иқлимнинг йилдан йилга аста-секин иссиб боришига 95 фоиз «иссиқхона эффекти» сабаб бўлаётганини таъкидлашмоқда. У ердан атмосферага қўтарилган карбонат анhidрид гази таъсирида вужудга келади. Чунки карбонат анhidрид гази сайёраимизда табиий ва сунъий йўл билан ҳосил бўлаётган иссиқлик энергиясининг атмосферадан ўтиб, коинотга ютилишига тўсқинлик қилади.




1-расм. Атмосферада CO_2 газининг ўзгариш даражаси.

Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматларро экспертлар гуруҳининг маълумотларига қараганда, атмосферага йилга қарий 40 млрд. тоннага яқин карбонат анhidрид гази чиқаришмоқда. Натижада ҳозирги кунда атмосфера таркибиде карбонат анhidрид газининг миқдори сўнгги 650

минг йил давомида энг юқори даражага етди. Бунинг оқибатида ер шариде ўртача ҳарорат 1850 йилдагидан 1°C га ошди.

Сайёрамиз иқлими нега ўзгармоқда?



2-расм. 1850—2015 йилларда ер шариде ўртача ҳароратининг ўзгариши.

Ер тараққиёти тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги музлик даври билиб ҳозирги даврга хос ўртача ҳарорат ўртасидаги фарқ бор-йўғи 4°C ни ташкил қилади. Лекин ана шу фарқ ҳисобида дунё океани сув сатҳи охириги музлик давридагига қараганда 100 метр кўтарилганини кўриш мумкин.

Экспертларнинг Париж конференциясига тақдим этган ҳулосаларига қараганда, иқлимнинг ана шу 1°C иссиши оқибатида сайёрамизнинг турли минтақаларида содир бўлаётган ва содир бўлиши кутилаётган ўзгаришлар куйидагилардан иборат.

Африкада:

Айни вақтда содир бўлаётган: Фарбий Африка дарёларининг сув ҳажми камайган; тропик сувлардаги маржон

рифлари бузилган; Сахел зонасида мева етиштириш бўйича ҳосилдорлик пасайган; Кениянинг тоғли ҳудудларида безга касаллиги тарқалмоқда; Катта (Йирик) кўлларда балиқ ови қисқармоқда.


Келгусида кутилаётган: иссиқлик ва қурғоқчилик таъсирида ҳосил нобуд бўлади.



Шимолӣ Америка:

Айни пайтда содир бўлаётган: муз майдонларининг қисқариши; ўрмон ёнғинларининг кўпайиши; қурғоқчиликдан нобуд бўлаётган дараклар сонинг кўпайиши; Атлантика океанига хос балиқ турларининг шимолга қоришиб кетиши.

Келгусида кутилаётган: глобал иссиқлик билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг кўпайиши; кучли жала ва ёмғирлар, бўронларнинг тез-тез кузатилиши; ўрмон ёнғинлари кўламининг кенгайиши.



3-расм. АҚШнинг 2020 ва 2025 йилларда CO_2 газини ҳавога чиқаришини камайтириш бўйича режаси.

Марказий ва Жанубий Америкада:

Айни пайтда содир бўлаётган: Амазония ўрмонларида ёнғинларнинг кўпайиши; Боливия фермерларида сувнинг тақчиллиги; Жанубий Америка жанубида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиши.

Келгусида кутилаётган: сув таъминотининг ёмонлашуви; сув тошқинларининг тез-тез содир бўлиши; озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг камайиши ва ҳоказо.

Кутбий регионларда:

Айни пайтда содир бўлаётган: абадий музликлар ва Арктика денгиз музларининг эриши; Арктика тундрасида бутанга зорлар қолган зонанинг кенгайиши; Жанубий муз океани (Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанларининг Антарктидани ўраб турган қисмининг шартли номлаши)да толенлар ва денгиз қушларининг камайиши.

Келгусида кутилаётган: музликларнинг эриши оқибатида қишлоқбўйи инфраструктура объектлари ва иншоотлари шикастланиши сони ошиб кетади.

Айтиш керакки, ўтган йилларда дунёнинг бир неча сааноати тараққий этган давлатлари «Париж келишуви»га қўшилиши ва муаммога биргаликда ечим топиш борасида ўз расмий тақлифларини билдирган. Ана шу тақлифлар

асосида шакллантирилган мажбуриятлар эса қуйидагилардан иборат:

1. Европа иттифоқи мамлакатлари 2030 йилга қадар чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 1990 йилдаги даражага нисбатан 30 фоизга камайтириши режалаштирган ва уларнинг айни пайтдаги мажбурияти 2020 йилга 20 фоизга камайтиришига қаратишган.

2. АҚШ 2025 йилга қадар чиқинди газлар миқдорини 2005 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 28 фоизга камайтириши керак. Бугун эса 2020 йилга 17 фоизга камайтириши мақсад қилган. Бунга эришиш учун океанorti мамлакатиде йиллик чиқинди газлар чиқариш 2 бараварга камайтирилиши лозим.

3. Россия 2030 йилга қадар чиқинди газлар миқдорини 1990 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 30 фоиз камайти-

риш мажбуриятини олди. Россия 2020 йилга зарарли газларни атмосферага чиқариш ҳажмини 25 фоизга камайтириши зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сайёрамиз табиатидаги турфа ўзгаришларнинг, салбий ҳолатларнинг асосий сабабчиси инсон ва унинг хўжалик фаолиятидир. Ахир неча минг йиллар давомида инсоният ўз турмуш даражасини яхшилаш, имкониятларини ошириш, фаровон ҳаёт кечиришга интилиб, бу йўлда неки тўсиқ бўлса енгиб ўтмоқда. Афсуски, жараёнда энг кўп жабр чекаётган, ўрнини қоплаб бўлмас қурбонликлар бераётган бу — табиат. Инсоният ўзининг тийиксиз мақсадлари, эгоцентрик ўй-хаёллари туфайли атроф-муҳитга билиб-билмай салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Аммо бир таскин борки, у ҳам бўлса, оламда яхши инсонлар ва яхшиликлар кўп. Улар Яратган инъом этган буюк неъмат — ақл-заковати билан бундай муаммоларга ижобий ечим топишига ва келажак авлод учун бугунгидан кам бўлмаган «экологик соф олам»ни мерос қолдиришига ишонамиз. Бунинг учун биз ўз ақлимиз, билим ва меҳнатимизни фақат ва фақат бунёдкорликлар учун сарфлашимиз лозим.

Файрат ЁКУБОВ,
Шовот туманидаги
40-мактабнинг география
фани ўқитувчиси

2017-yil 19-aprel, № 31 (8992)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги “Ижтимоий ҳимоя йили дастури тўғрисида”ги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2017-2018 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларидан дафтар (12 varaқ), рангли қоғоз тўплами (12 рангли), расм дафтари (12 varaқ) ҳамда пенал маҳсулотларини харид қилиш учун қайта очиқ тендер савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари ҳамда яқка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ва/ёки биуртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истиғини билдирган, тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчи — кичик бизнес субъектларига имтиёزلар қўланилади.

Тендерда маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар(товар етказиб бериувчилар) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

туғатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатиде ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва “Ўқув таълим таъминот” Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича қелишилган мажбуриятларни ўз муддатиде бажармаганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва “Ўқув таълим-таъминот” ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар;

дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами ва пенал бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунгача қадар, Тендер комиссияси ва/ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истиғини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами ва пенал бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

хотимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг туғатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидеги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатта тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларига карто-тека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатта тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами(китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган хар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

талабгор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушултириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишининг охириги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, бинолари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб бериувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, кўнунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида голиб деб топилган корхона ва ташкилотлар “Ўқув таълим-таъминот” ДУК билан имзолан-

ган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада қелишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақиде қўшимча маълумот олиш истиғида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган “Ўқув таълим таъминот” ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) хар куни соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи орган манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел: (+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидеги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида чоп этилган.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари

| Т/Р | Харид қилинадиган маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда) |
|--|---------------------------------|---------------|-----------|---|
| 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари | | | | |
| 1 | Дафтар (12 varaқ) | дона | 8 144 988 | 452,0 |
| 2 | Пенал | дона | 659 027 | 3 870,0 |
| 3 | Расм дафтари (12 varaқ) | дона | 693 509 | 1648,0 |
| 4 | Рангли қоғоз тўплами (12 varaқ) | тўплам | 678 539 | 1671,0 |

Тендер ҳужжати сотиб олиш истиғида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдориде қайта қопланмайдиган пул маблагларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

Ишчи орган банк реквизитлари: Ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ “Ипотекa” банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси хар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, тендер таклифларини топширишининг охириги кунгача ўтказилган бўлиши талаб қилинади (Барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2017 йил 5 май соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқориде кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари(конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақиде талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.


Хурматли чет тили ўқитувчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (ДТМ) томонидан умумтаълим муассасалари чет тили ўқитувчиларининг CEFR стандартлари асосида тил билиш даражасини аниқлаш, уларнинг ойлик маошига устама белгилаш мақсадида тест синовларини ўтказиб келинмоқда.

Мутахассисларимиз ўқитувчи ва мустақил талабгорларнинг ушбу тест синовларидан муваффақиятли ўтишига ёрдам бериш мақсадида “Exam Skills for Teachers and Learners of English” (К.Жалилов, “Turon Zamin Ziyu” нашриёти, 2016) қўлланмасини тайёрлади. Айтиш жоизки, шу пайтгача ўқитувчилар учун бундай манба йўқ эди. Қўлланма ДТМ имтиҳонлари талаблари асосида тузилган бўлиб, тинглаб тушуниш,

ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар, ёзиш, гапириш қўникмаларини шакллантиришга доир амалий ва назарий мисоллар келтирилган. Китобга илова қилинган дискдан тинглаб тушуниш бўлими учун аудио ёзувлар, синовнинг гапириш бўлимига тайёрланиш учун видеолар ва мустақил ишлаш учун қўшимча тестлар ўрин олган.

Инглиз тили ўқитувчилари ва мустақил талабгорлар ДТМ имтиҳонларига тайёрланиш учун мазкур китобни харид қилишлари мумкин.



Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 237-12-72, (99890) 909-77-99; e-mail: www.vivavox.uz, info@vivavox.uz.

“VIVAVOX” нодавлат таълим муассасаси

Боқий санъатлар шахри

Дунё маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнаган Самарқанд "Шарқ марвариди" деб бежиз таърифланмаган. Тарихи узоқ йилларга бориб тақаладиган шахар, айниқса, буюк бобокалонимиз Амир Темур ва темурийлар даврида ҳар томонлама гуллаб-яшнади. Француз шарқшуноси Жан Поль Ру ушбу даврини "Темурийлар ренессанси" деб эътироф этганида тамоман ҳақ эди.

Асрлар оша босқинлар туфайли неча бор вайрон бўлиб, неча бор тикланган шахри азим мустақиллик шарофати билан кун сайин кўркамлашиб бораётди. Самарқанддаги барча тарихий ёдгорликлар давлат муҳофазасига олиниб таъмирланди, қайтадан жило тоғди. Уларнинг асарияти халқаро ЮНЕСКО тасарруфида эканлиги бизнинг бой маънавий-маданий меросимизга бўлган юксак эътиром натижасидир.

Маданияти, санъати йиллар давомида шаклланиб, сайқал толган шахар бугун халқаро анжуманлар, конференциялар, фестиваллар — илм-фан марказига айланган. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврида мамлакатимиз худудида санъат ва маданиятнинг барча соҳалари гуркираб ривожланган, рангтаъсир, кулолчилик, металга бадийи ишлов бериш, зargarlik, миниатюра, сангтарошлик, ёғоч ўймакорлиги ўзининг юксак чўққиларига эришган.

Амир Темур юксак маънавият ва маданият соҳибига бўлган. Бепоян салтанатни худудларидан олим адиблар, мусавиру машоққлар, меймор унаромандларни пойтахтга чорлаган. Бу ҳақда мижор сайёҳи ва олими Херман Вамберг шундай ёзади: "Темурнинг амри билан Дамашк, Халаб, Анкара, Гуржистон ва бошқа ўлкаларнинг қанча мижор ишчилари бўлса, Самар-

қандга кўчдилар... Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорларида тўпланиб, Осиёнинг энг катта шахарларига ва Буюк ипак йўли орқали Европада жўнатилади". ("Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи", Тошкент, 1990 йил, Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 55-бет.) Самарқанд Буюк ипак йўлининг муҳим маркази бўлганлиги сабаб савдо-сотик билан биргаликда халқлар орада маданият ва маърифат тарқатувчи шахарга айланган.


Самарқанд азалдан рангтаъсир санъати ўчоги. Қадимги Афросиёб деворий суратлари фикримиз далилидир. Темурий ҳукмдорлар ҳомиёлиги туфайли минг йиллик илди ва аъналарга эга деворий, сюжетли ва манзарали рангтаъсирлар бениҳоя қадрланган. Мусавирулар маҳобатли саройлар деворларига Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти, оила аъзолари турмуш тарзи ҳамда асладодлар ҳаётига бағишланган ранг-баранг суратлар чизганлар. Бу суратларда Амир Темурнинг олим уламолар, элчилар билан суҳбатлари акс этган.

Соҳибқирон даврида нодир қўлёмаларни бадийи безашнинг яна бир воситаси сифатида пайдо бўлган миниатюра тасвирий санъатнинг ало-

ҳида соҳаси сифатида ривож топди. Асли боғдодлик мусавиру Абдулхай 1396 йилдан Самарқандда яшаган ва кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Унинг шогирди Пир Аҳмад Боғишамолли шулардан бири бўлиб, у Соҳибқирон боғи саройини безашда иштирок этган ва боғ

қош, Камолитдин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мухаммад Нодир Самарқандий, Мир Саид Али Термизийлар ижодида бевосита темурийлар ренессансининг таъсири бор.

Шарқ миниатюра мактабининг номдор вақилларидан бири — Камолитдин Бехзод,



номини тахаллус қилиб олган. Ўша пайтлар яратилган ноёб миниатюралар бугун Истанбул, Париж, Лондон, Вашингтон, Санкт-Петербург каби шахарларнинг музей ҳамда кутубхоналарида сақланмоқда. Дунё миқёсида харидоригир бўлган Самарқанд қозонининг кенг миқёсида ишлаб чиқарилиши эса қўлёмза, нодир асарларни бевосита хатот ва мусавируларнинг жўшқин ижоди учун замин яратган.

Гарчанд Буюк саркарда вафотидан сўнг салтанат анча пароканда бўлган эса-да, Хиротда Хусайн Бойқаро, Хиндистонда Заҳриддин Мухаммад Бобур каби темурий шахзодалар адабиёт, санъат ва маданиятни сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олдилар. Жаҳон санъат оламида муносиб из қолдира олган Мирак Нақ-

У ижод қилган даврда илм-фан, мейморчилик, амалий санъат, хатотлик ва китобат санъати Самарқандда анча ривожланган эди. Бехзод туғилган Хирот шахри ҳам темурийлар тасарруфида бўлиб, бу ердаги бунёдкорлик ишларида Самарқанд санъат мактаби таърибларидан кенг фойдаланилган.

Дунё миқёсида тан олинган буюк Темур ва темурийлар давридан кейин узоқ йиллар давомида юксак тараққиёт намуналари — мейморчилик обидалари қаровсиз қолди. Айниқса, шўролар даврида Самарқанд ва Шаҳрисабздаги маҳобатли обидаларнинг қиёфасига лутур етди. Истиқлол шарофати, Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Самарқанддаги қадимжолар таъмирланди. Бугун тарихий ша-

ҳар беқиёс чирой очиб бормоқда. Шаҳри азим ўз тарихий қиёфасини намоян этаётди. Бу борада Самарқандда ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиси, италийлик машур тарихчи ва археолог Маурицио

Този шундай деган эди: "Илгари қадимий Самарқандга келганимда, унинг қаровсизлиги, оламшумул тарихий обидалар замонавий қурилишлар билан тўсилганини кўриб, хайрон бўлганман. Йиллар ўтиб, бу машур шахарга яна йўлим тушиб, уни танимай қолдим. Мана энди Самарқанд ўзининг ҳақиқий қиёфасига қайтибди. Тўғри, ҳаёт узлуқсиз давом этаётган шахарлар тарихий қиёфасини сақлаб туриши жуда мушкул. Римда ҳам шундай муаммо. Лекин Сизлар бу масаланинг ечимини тўғри топилсизлар. Рим ҳам, Самарқанд ҳам тарих ва бугунни боғлаб турган боқий шахарлардир. Мен бугунги Самарқандни кўриб жуда хурсанд бўлдим".

2014 йили Самарқанд Американин "The Huffington Post" наشري эълон қилган "Дунёнинг албатта бориб кўриш лозим бўлган 50 шахри" рўйхатидан жой олди. Сайёҳлар "Шарқ марвариди" деб эъзозлаётган Самарқанд бугун ҳам мейморий ёдгорликлари, санъат асарларининг жозибаси билан дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

З. ГУЛОМОВА,
Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Ижтимоий тараққиётда чуқур из қолдирган инсонлар миллат тарихида абадий қолади. Тилшунос олим Ҳамид Нейматов ана шундай инсон эди.

Олим ўзбек лингвистик тафаккури хазинасига беқиёс ҳисса қўшди. Диалектик тараққиёт йўлидан бориб, ўзбек тилшунослиги ва она тили таълимини янги босқичга кўтариш йўлида беқиёс хизматларни адо этди.

1941 йили Бухоро шахрида зиёли оиласида дунёга келган Ҳамид Нейматов 1950—1960 йилларда мактабда ўқигач, тахсилни Санкт-Петербург университетининг Шарқ факультетида давом эттирган. 1967—1970 йилларда шу университетда аспирантура босқичида тахсил олди. Академик А.Н.Кононов раҳбарлигида номзодлик, докторлик диссертацияларини ёклади (1978 йил). Орадан тўрт йил ўтиб, профессор унвони берилди.

Ўттиз уч йил мобайнида Бухоро давлат университетидеда доцент, профессор ва кафедра мудири лавозимларида ишлади. 2011—2015 йилларда эса вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида фаолият кўрсатди. Ҳамид Нейматов машур турколог А.Н.Кононов ва файласуф тилшунос С.Н.Ивановнинг шогирди сифатида ўзбек тилшунослиги, туркология, умумий тилшунослик назарияси ривожини, тил тадқиқотлари сифатини янада яхшилаш йўлида меҳнат қилди.


Ўзбекистонда субстанциал тилшунослик тараққиёти ҳам бевосита устоз профессор ва у яратган лингвистик мактаб номи билан боғлиқ. XX

Мактаб яратган устоз

аср бошларида Европада қайта жонланган ва жаҳон тилшунослигининг тараққиёт йўлини белгилаган система асосида иш кўрадиган илмий йўналиш(систем-структур)ни бошлаб берган ҳам бизнинг олим. Бу йўналишнинг туб моҳияти шундаки, унда тил бирлигининг мазмуни, ташкил этувчиларига катта аҳамият берилди, ҳар бир микроэлементнинг хусусияти ўрганилиб, унинг ўз бутунлиги (тил бирлиги) фаолиятида тутган ўрни, ҳиссаси, имкониятлари аниқланган.

Профессор Ҳамид Нейматов она тили таълимининг том маънодаги жонқуяри эди. У мустақиллигимиз арафасида етакчи мутахассис сифатида "Ўқитувчилар газетаси"да (ҳозирги "Ma'rifat") она тили таълими мазмуни, максади, усули ва воситаларини ўзгартиришга оид баҳс-мунозаралар ташкил этишга бошчилик қилди. Натижда, она тили таълими бўйича республика ўқитувчиларининг нуктаи назарини ифодаловчи "Ўқитувчи", "Ижод", "Индуктив" каби янги муқоабалар дастурлар яратилди. Бу дастурлар туман, шахар, вилоят, республика босқичларида муҳокама этилди ҳамда "Индуктив" дастурига катта ишонч билдирилди.

Устоз ўтган аср охиридаёқ она тили таълимини илмийликдан халос этиш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, нутқини оғзаки ҳамда ёзма шаклда эркин ифода қилишга ўргатиш,



бир сўз билан айтганда, ижодий тафаккур соҳибларини етиштириш масаласини биринчилардан бўлиб кун тартибига олиб чиқди. Олимнинг бевосита етакчилигида яратилган дарсликлар ва қўлланмалар ўзининг янгилиги, мантиқий изчиллиги, юксак дидактик кўрсатмаларга бойлиги билан ахрალიб турарди. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликларни эса ўзида лингвистиканиннг сўнгги ютуқларини акс эттирганлиги, бўлажак она тили ўқитувчиларининг фалсафий-мантиқий мушоадаларини оширишга қаратилгани билан қимматлидир.

Олим тилшунос, филолог ва турколог сифатида нафақат республикамизда, балки хоризжда ҳам юксак эътироф толган. У лисоний ҳодисаларни асосли ҳамда ишонarli талқин қилар эди. Ҳамид Нейматов чинакам филолог олим эди.

Устоз тилшуносликнинг деярли бар-

ча соҳалари бўйича баракали ижод қилди. "История лингвистических учений" (1981), "Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI—XII в.в." (1989), "Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси" (1992), "Тил ва нутқ" (1993), "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" (1995), "Она тили таълими мазмуни" (1995), "Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари" (1999), "Сўз бағрида маърифат" (2001), умумий ўрта таълим 5—9-синфлари учун яратилган она тилидан ДТС, ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа хайрли ташаббуслар шулар жумласидандир.

Олимнинг тилшунослик ва адабиётшуносликдаги долзарб масалалар, она тили таълимини такомиллаштиришга бағишланган 300 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари соҳа ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

1996 йили устоз она тили таълими соҳасидаги фидокорона меҳнатлари учун давлатимиз томонидан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони, 2010 йилда эса "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланди. Атоқли тилшунос ва методист, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Нейматовни бугун нафақат ўзбек тилшунослиги, балки жаҳон туркология фани намояндалари чуқур ҳурмат ва эътиром билан ёдга олади.

Ислом ЗОКИРОВ,
Республика таълим маркази директори

2017-yil 19-aprel, № 31 (8992)

Саралаш мусобақалари якунланди

Хабарингиз бор, айти кунларда мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг якуний саралаш мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги Жиззах вилоятида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2017» спорт мусобақаларининг саралаш босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита йиғилиши 9-сонли баёнига мувофиқ, саралаш мусобақалари 5 та спорт тури бўйича 5 та ҳудудда ўтказилди: гандбол бўйича Нўкус шаҳрида; футбол бўйича Қарши шаҳрида; баскетбол бўйича Самарқанд шаҳрида; бокс бўйича Термиз шаҳрида ва волейбол бўйича Наманган шаҳрида.

Футбол, гандбол, баскетбол ва бокс бўйича саралаш мусобақалари якунлари ҳақида аввал хабар берган эдик. Энди навбат

волейбол баҳслари натижаларига.

Демак, волейбол бўйича 8—13 апрель кунлари Наманган шаҳрида ўтказилган саралаш турнирида республикамизнинг ҳар бир вилояти ва Қорақалпоғистон ҳамда Тошкент шаҳридан ўғил болалар ва қизлар терма жамоалари, жами 224 нафар ўқувчи (шулардан 112 нафари қизлар) иштирок этди.

Республика босқичига олиб борувчи тўртта йўлланмани қўлга киритиш учун терма жамоалар бор имкониятини ишга солди. Бу эса баҳсларнинг қизғин кураш остида кечилиши таъминлади.

Аммо бундай мусобақаларда доимо таҳриба ва маҳорат ўз

сўзини айтиб келган. Бу сафар ҳам шундай ҳолат кузатилди: қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда Наманган, Андижон, Хоразм ва Фарғона вилоятлари терма жамоаси Жиззахга борадиган бўлди. Ўғил болалар ўртасидаги қарама-қаршиликларда эса Қашқадарё, Навоий, Андижон ва Фарғона вилоятлари терма жамоаси ярим финалга, яъни «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинлари республика босқичига чиқди.

Ушбу спорт фестивали мусобақалари дастурига киритилган барча спорт турлари саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Жиззах шаҳрига фақатли имкониятини қўлга киритган ўғил-қизларга энг муҳим беллашувларда омад тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



«FERRARI» ЎЗИБ КЕТДИ

«Формула-1» бўйича Бахрайнда ўтказилган учинчи Гран-при мусобақасида «Ferrari» жамоасининг немис пойгачиси Себастьян Феттель маррага биринчи бўлиб етиб келди.

«Лента»да ёзилишича, ундан кейинги ўринни «Mercedes» жамоасининг британиялик спортчиси Льюис Хэмилтон эгаллаган. Кучли учлидан унинг жамоодоши — фин пойгачиси Валттери Боттас жой олган. Мусобақа арафасида экспертлар мазкур ким-ўзарни С.Феттель ва Л.Хэмилтон ўртасида ўзига хос дуэль дея баҳолаганди. Чунки бу мусобақага қадар уларнинг очколари тенг эди. Бирок Бахрайнда С.Феттель галаба қозониб, 68 очко тўплади ва асосий таъкибчисини 7 очкога ортада қолдирди.

Навбатдаги баҳс 28—30 апрелда Сочи шаҳрида ўтказилади.



ЧЕМПИОН ДУРАНГ ЙЎНАДИ

Шахмат бўйича Германияда давом этаётган «Grenke Chess Classic» супертурнирининг иккинчи турида амалдаги жаҳон чемпиони норвегиялик Магнус Карлсен арманистонлик Левон Аронян билан дурангга имзо чекди, дея хабар берди «ТАСС».

Қолган учрашувларда америкалик Фабиано Каруана озарбойжонлик Аркадий Найдични, хитойлик Хоу Ифань немис вакили Георг Майерни, франциялик Максим Вашье-Лаграв эса бошқа

бир немис шахматчиси Маттиас Блюбаумни мағлуб этди. Ортада қолган икки турдан сўнг жамгарган очколарига кўра Хоу Ифань (2 очко) етакчилик қилмоқда. Аронян, Карлсен, Найдич, Каруана, Вашье-Лагравда бир, Майер, Блюбаумда ярим очко бор.



КЎЧАГА ЭКРАН ҚЎЙИЛМАЙДИ

Футбол бўйича жорий йилда Россия яшил майдонларида ўтказиладиган Конфедерациялар кубоги баҳсларини Москва шаҳри кўчаларида оммавий равишда трансляция қилиш режалаштирилмаётгани ҳақида «ТАСС» хабар берди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, мухлислар мазкур матчларни телевизор қаршида ёки пойтахтдаги «Спартак» стадионига кириб томоша қилишлари мумкин, холос.

Бундай ўзига хос фестиваларни фақатгина 2018 йилда — футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати вақтида амалга ошириш мумкин. М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети биноси олдидаги майдонга 42 минг нафар томошабинни жойлаштириш мумкин.

«ТОТТЕНХЭМ»ДА ИМКОНИЯТ ТУФИЛМОҚДА

Футбол бўйича Англия премьер лигасининг 33-туридан ўрин олган марказий учрашув «Манчестер Юнайтед» ва «Челси» клублари ўртасида ўтказилди.

«Евроспорт» нашрида қайд этилишича, Манчестер шаҳридаги «Олд Траффорд» стадионига ёмғир остида кечган мурасиз матча мезбонлар чемпионликка асосий даъвогар бўлиб турган лондонликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Манкунианлик»лар таркибида голларни Маркус Рашфорд (7-дақиқа) ва Андер Эррера (49) киритди. Шу тариқа «МЮ» ушбу турнирдаги мағлубиятсиз ўйинини 22 тага етакчи, турнир жадалида 5-ўринга (60 очко) кўтарилди. «Челси» ҳисобида эса 75 очко бор. «Тоттенхэм»ни айтиб кез «аристократлар»дан 4 очко ажратиб турибди.

3.ХОЛОВ тайёрлади.

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Санобар Ҳакимовага ораси
Зулфия НАРЗУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Бангкок шаҳри(Таиланд)да ўтказилган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш атлетларимиз муносиб қатнашиб, дунёнинг 50 дан ортиқ давлатидан келган 400 дан зиёд спортчи орасида 2018 йили Аргентинада ўтказиладиган III ўсмирлар Олимпиадасига учта йўлланмани қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда ўз вазн тоифасида Кумушшон **Файзуллаева** кумуш ва бронза, Гулноза Аҳмадова битта бронза ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўғил болалар баҳсида Саидмуҳтор Саидахоров ва Александр Ли совриндор бўлди.

Пермь шаҳри(Россия)да шу йилнинг 21 апрель кунини Ҳаваскор боксчилар халқаро уюшмаси(AIBA)га тегишли Жаҳон бокс серияси(The World Series Boxing)нинг VII мавсумидан ўрин олган «Uzbek Tigers» ва русларнинг «Patriot boxing team» жамоалари қарама-қаршилиги ўтказилди.

Айни пайтда «С» гуруҳида 9 очко жамғариб, мундарида олдин плей-оффга чиққан жамоамиз мураббийлари бу сафар захирадаги ёш иктидорларни, масалан, ҳали жамоа сафида умуман рингга чиқмаган Абдоржон Қодировни синаб кўрмоқчи.

Тарту шаҳри(Эстония)да эркин кураш ва юнорум кураши бўйича кечган «Kristjan Palusalu Memorial — 2017» халқаро турнирида эркин кураш бўйича терма жамоамиз аъзоси Рашид Қурбонов 86 кг вазн тоифасида гиламга чиқиб, бarcha рақибларини енгди ва олтин медалга эга бўлди.

Қозғистонда ўтказилган «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида теннисчимиз Санжар Файзиев россиялик Иван Гахов билан биргаликда иштирок этиб, финалда чехиялик Либор Салаба ва словакиялик Адриан Сикорадан ўрин келди ва бош соврин соҳиби бўлди.

Боку шаҳри(Озарбойжон)да эркин кураш ва юнорум кураши бўйича ўсмирлар ҳамда кадетлар ўртасида ташкил этилган аънавий халқаро турнирнинг ўсмирлар ўртасидаги юнорум кураши беллашувларида Илҳом Бахромов ва Жалғас Бердимуродов бронза медални, кадетлар ўртасидаги эркин кураш баҳсларида Арслон Раҳимов, Фаруқ Зарипов, Мухаммадрасул Раҳимов кумуш, Умиджон Жалолов бронза медални қўлга киритди.

Спортга бахшида умр

Ҳар бир ота-она эртанги кун эгалари бўлган фарзандлари баркамол бўлиб вожага етишини истайди. Уларни жисмонан соғлом, маънави этуқ инсонлар этиб тарбиялаш эса болалар спортга бўлган эътибордан бошланади. Ёш авлодни ёшлиқдан спортга ошно қилиш, қалбида жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрни шакллантиришда мураббийларнинг ўрни беқиёс.

Қалбида спортга муҳаббати бор мураббийгина болаларга ҳам ана шу туйғуну улаша олади. Қарши туманидаги 11-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келаётган Соҳиб Эшмуродов шундай фидойилардан биридир. У мураббийлиқни оддий касб эмас, балки ҳаётининг мазмуни деб билади. Унинг фаолиятига шогирдлари, ҳамкасблари ва оила аъзолари ҳавас қилади.

Буни С.Эшмуродов раҳбарлигида бир қатор мусобақаларда галаба қозонаётган ёшлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2013 йилда мактабнинг 9-синф ўқувчиларидан иборат волейбол жамоаси вилоят мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, орадан икки йил ўтгач, 6-синф ўқувчилари вилоят чемпионлиги

ни қўлга киритди. Мактабда, шунингдек, Соҳиб ака саяёҳаракатлари билан «Миллий кураш» тўғраги ташкил этилиб, ўнлаб ёшлар мазкур спорт сирларини ўрганмоқда.

— Шогирдларимиз юксак чўққиларни забт этиб, биз етишолмаган орзуларни рўёбга чиқараётгани кувонарлидир, — деди мураббий. — Уларнинг ютуғидан ўзим галаба қозонгандай суюниб кетаман. Меҳнатинг мевасини кўриш гашти, завқи бошқача-да! Масалан, шогирдларим Ҳасан Сирождидинов ва Алижон Тувлик мисолида кўраш бўйича мамлакат чемпионатида шохсўпага кўтарилганда, кўнглимда «эх, қанийди мен ҳам ёш бўлсаму, ана шу йигитлар даврасида беллашиб, мамлакат, жаҳон чемпионатида галаба қозонсам, мустақил Ватанимиз байроғини юксаклар-

да ҳилпиратсам», деган ўй кечган эди. Афсуски, болалигимизда бирор спорт тури билан шугулланиш учун шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Отам Маҳмарайим полвон ҳам ўз вақтида елкаси ер кўрмаган полвон бўлса-да, тўйларда олишишдан нарига ўтолмаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, ҳаммаси ўзгарди. Давлатимизнинг ёш авлод келажагига бефарқ эмаслиги юртимизнинг барча ҳудудлари, айниқса кишлоқ жойларда замонавий ва мухташам спорт мажмуалари қад ростлаётгани, у ерда болаларнинг ўзлари истаган спорт тури билан мунтазам шугулланиши учун кенг шароитлар яратилаётганида ҳам яққол намойён бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Соҳиб Эшмуродов ўз касбининг жонқуяри. Унинг мактабда ташкил этган спорт бурчагида ўқувчиларнинг турли мусобақаларда эришган ютуқлари жам бўлган. Бу эса навқирон авлод қалбида спортга бўлган қизиқиш ва иштиёқни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Илҳом ЖУМАНОВ

Иқтидорли қизларнинг нуфузли мусобақалари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кеча Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида «Happy Caravan — 2017» халқаро турнирининг яккалик ва жамоавий бахсларига старт берилди. Муסיқа садолари остида майдонга мусобақа иштирокчилари кириб келган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари И.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббийлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир этиб тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабларга тўла мос келадиган марказлар ташкил этилди, уларда минглаб ўғил-қиз ушбу спорт тури билан шуғулланмоқда. Уларнинг энг иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига қўшилмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини хи-

моя қилаётган гимнастикачиларимиз маҳорати орбит бораётгани юртимизда ушбу спорт турини ривожлантиришга тизимли ёндашилаётганидан далолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 ноябрдаги «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-таadbirlари тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўсмирлар ўртасидаги

«Happy Caravan» аънавий халқаро турнири ёш гимнастикачилар учун муҳим синов майдони бўлиб, у умидли спортчиларнинг халқаро мусобақалар олдида ўз тажриба ва малакасини оширишига хизмат қилади. Турнирнинг жорий йилги яккалик ва гуруҳ бахсларида 10 давлатдан 60 га яқин гимнастикачи халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариш бўйича бахшлашмоқда.

— Ўзбекистонда ўтаётган халқаро турнирда қатнашаётганимиздан мамнунмиз, — деди эстониялик иштирокчи Миа Валге. — Жамоамиз билан гуруҳ бахсларида кўпқураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўз имкониятларимизни синовдан ўтказа-



Иzzатуллаева, Сунажон Сoтoмбoева, Анастасия Тихoнoвaдaн ибoрaт жaмoа қaтнaшмoқдa.

«Happy Caravan — 2017» халқаро турнирининг дastлaбки гoлиб вa сoвриндoрлaри нoми aниқлaнди. Жaмoaвий кўпқураш бўйича Ўзбекистон термa жaмoаси aъзoлaри Диёра Бурхoнхўжaевa хaлқaдa 15.05 бaлл, Тaхминa Икрoмoвa тўпдa 15.15 бaлл, булaвaдa 14.35 бaлл, Сeвинч Турдиeвa тaсмaдa 14.15 бaлл тўплaди. Шу тaриқa 58.7 бaлл тўплaгaн термa жaмoaмиз шoҳсупaнинг учинчи пoгoнaсидaн жoй oлди.

Шунингдeк, 21 aпрeль куни бaдий гимнастика бўйича Жaҳoн кубoги бoсқичигa стaрт берилaди. Ундa 90 гa яқин спортчи чeмпioнлик учун кураш oлиб бoрaди.

Эслaтиб ўтaмиз, Жaҳoн кубoги 4 бoсқичдaн ибoрaт бўлиб, дastлaбкиси Итaлиянинг Пeссaрo шaҳридa ўткaзилгaнди. Иккинчи бoсқичгa пoйтaхтимиз мeзбoнлик қилмoқдa. Нaвбaтдaги бoсқичлaр Oзaрбoйжoннинг Бoкy вa Бoлгaриянинг Сoфия шaҳaрлaридa бўлиб ўтaди. Ушбу бoсқичлaрдa муносиб иштирок этгaн гимнастикaчилaр нaвбaтдaги ёзги Oлимпия ўйинлaри йўллaнмaси учун муҳим бўлгaн oчкoлaрни жaмғaришaди.

Дилшoд РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбир
Бурхoн РИЗОКУЛОВ вa
ЎзA сурaтлaри.



япмиз. Ўйлайманки, бу мусобақа ҳар бир иштирокчи ҳаётида ёрқин ва унутилмас лаҳзалар сифатида муҳрланади.

Мусобақанинг яккалик бахсларида Дилдора Раҳматова, Нурино Усмонова, Тахмина Икромов, Хуршида Абдурауфова, Севинч Турдиева, Наргиза Жуманиёзова, Диёра Бурхонхўжаева, Лола Зокирова, Фарзона Усмонова сингари гимнастикачиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гуруҳ бахсларида Шахризода Арзиматова, Екатерина Фетисова, Шахризода Қаюмова, Динора

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan ва madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муharrir Абдусaмaт РAХИМОВ

Gazeta Ўzбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-415. Tiraj 52143.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Ilhom JO'RAYEV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎzA yakuni — 22.30 Topshirildi — 00.20

1 2 3 5 6